

10 ишт



ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ,
ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

66
A-44

АБДИМУРАТОВ П.С., АБДИМУРАТОВА Н.П.

ЎЗБЕКИСТОНДА
ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ
МИЛЛИЙ-МАЊАВИЙ
АСОСЛАРИ

ISBN 978-9943-4626-2-5



9 789943 462625

«QARAQALPAQSTAN»

УДК: 37.017.92(072)

ББК: 66

А-44


Абдимуратов Паракат Сейтмуратович,
Абдимуратова Нилюфар Паракатовна.
Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг миллий-
маънавий асослари. Ўкув-услубий кўлланма.
Нукус-2016. 56 бет

Қорақалпоқ давлат университети—4-апрель 2016 йил, № 5
Илмий-методик Конғашида кўриб чиқилди ва босмага
тавсия этилди

«Таълим тўғрисида» Конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» жамият тараққиётининг хозирги ва келажаги йўлида ўзликни англаш, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросини англаб етиш ва илмий асосларини ўрганишни тақоза қиласи. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар халкнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлари асосида, замонавий маданият, иктисадиёт, фан-техника ва технология ютуклари асосида кадрлар тайёрлаш, ўтмишдан колган мағқуравий қарашлардан тўла холос бўлиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи баркамол авлодни камол топтириш, таълим-тарбиявий йўналишлар, миллий менталитет ва таълимнинг миллий «Ўзбек модели» максадини асос қилиб белгилайди.

Тақризчилар:

Бекмуратов М. — Профессор с.ф.д.
Алеев У. — Профессор н.ф.д.



ISBN 978-9943-4626-2-5

© «Qaraqalpaqstan» баспасы, 2016.
© Абдимуратов Паракат, 2016.

Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли,
доно ва албатта баҳти бўлишилари шарт.

Ислом КАРИМОВ

КИРИШ

Мустакиллик—Ўзбекистон ҳайтининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар даврини бошлаб берди. Бундай ўзгаришлар натижасини таълим-тарбиянинг миллий-маънавий асослари хисобланган, жамият аъзоларининг интилишлари ва орзу умилларини ўзида мужассамлаштирган, уларни ҳайтий мўлжаллар билан куроллантирадиган, эзгу мақсадларга сафарбар этадиган «Таълим тўғрисида» Конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» бўлиб, хозирги замонга хос илм-фан, таълим-тарбия, илгор педагогик технологиялар, ижтимоий тараққиёт, янгича тафаккурга эга, бобокалонларнинг беназир мероси ва умуминсоний қадриятларга таянадиган, маънавий бой ва ахлоқан пок, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялашни мақсад қиласи.

«Ўзбек модели» Республикада таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни янги замон талаблари даражасига кўтариш, баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишнинг илмий-амалий асосларини белгилаб берди. Мустакилликнинг илк давридан бошлаб мамлакатимизда баркамол авлодимиз келажагига даҳлдор, саодатга элтувчи ягона йўл шахсни шакллантиришнинг миллий моделини ҳайтта татбиқ этишининг долзарблиги белгилаб олинди.

Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг миллий-маънавий асослари миллий маънавий тарбия, бу икки муқаддас омилни ҳамоҳанг равишда ташкил этишининг модели ва механизmlарини таълим-тарбия муассасаларининг мутасадди ходимлари, педагоглар, мураббийлар, талабалар ва ота-оналар қай даражада хис этаётгани ва бажараётгани мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этапи. Шу нуктаи назардан караганда, «Таълим тўғрисида» Конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» жамият тараққиётининг бутунги ва келажаги йўлида ўзликни англаш, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интел-

лектуал меросини англаб етиш ва илмий асосларини ўрганишни долзарб килиб кўймокда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар халкнинг бой интеллектуал мероси ва умумбаҳарий кадриятлари асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технология ютуқлари асосида кадрлар тайёрлаш, ўтмишдан колган мағфуравий қарашлардан тўла холос бўлишни назарда тутади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий таалабларга жавоб берувчи кадрлар тайёрлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб тақдирлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган фаолиятга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим-тарбия жараёнларига миллий маънавий омиллар таъсирини тизимили тадқиқ этиш, миллий таълим модели самарадорлигини таъминлайди, унинг янги-янги илмий йўналишларини тадқиқ этиш имкониятларини оширади. Шунингдек, миллий дастурни бажариш юзасидан, таълим-тарбия тизимини замон таалаблари даражасига кўтариш, таълим ва илм-фан соҳасида маъсуллиятни ошириш, миллий кадрлар тайёрлашнинг истиқболлий йўналишини аниқлаш имкониятларини очиб беради, ёш авлодни маънавий-аҳлоқий тарбиялашда халкнинг бой миллий маданий-тариҳий анъаналарига асосланган тарбия тизимининг устуворлиги, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да белгиланган вазифаларнинг ижросини амалий томондан таъминлаш ва боскичма-боскич амалга ошириш Ўзбекистонимизнинг салоҳиятини янада оширади, шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлигий, келажаги буюк давлат барпо этилиши таъминланади.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ МИЛЛИЙ АСОСЛАРИ

1.1. «Таълим тўғрисида»ги Конун миллий таълимнинг асоси сифатида

1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида Президентимиз И.А.Каримов «Баркамол авлод—Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деган мавзуда нутқ сўзлаб, мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ўзгартириш, уни янги замон таалаблари даражасига кўтариш, шу билан ўсиб келаётган авлоднинг келажак ҳаётига мустаҳкам пойдевор яратиш масаласини баён килиб берди. Ёш авлод тарбиясининг пухта ўйланган ва муқаммал тизими яратилганлигини, яъни, 11 йиллик умумий мажбурий таълим ўрнига 9 йиллик умумий ўрга таълим ва 3 йиллик колледж-лицей таълимнинг йўлга кўйилиши балоғат ёшига етиб энди мустакил ҳаётга кириб келаётган йигит-қизларни буғунги кунимиз учун зарур бўлган муайян касб-хунарни эгаллаб, келажакка қараб дадил қадам ташлашлари учун реал имконият яратиб берди.

Миллий меросимизнинг foявий негизи-шахс тарбияси, унинг маънавий эҳтиёжларига даъвогар бўлган омилларни ўрганишдан иборат бўлиб келган, ушбу муаммо хозирда ҳам жамиятимизда олиб бориляётган сиёсатда энг муҳим масалалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Аждодларимизнинг яратувчанлиги шахс манфаатларига қаратилган бўлса, айни вактда мустакил давлатимизда амалга оширилётган барча янгиликлар ҳам инсон келажаги учун хизмат килиши кузатилган. Замонавий таълим-тарбия тизими ва миллий мерос асосидаги foявий уйунлик, таълим-тарбия жараёнда миллий мероснинг маънавий-маърифий заминларига таяниш зарурлигини ҳам англатади.

Миллий таълим модели асосида соглом ва баркамол авлодни тарбиялаш, умумжаҳон таълим-тарбия ютуқлари билан миллий таълим-тарбияни уйғунлаштириш, халқимизнинг, талаба-ёшларимизнинг умуммиллий онги, билим ва тафаккурини шакллантириш замонавий ўқув масканлари, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш, соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб кадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган самарали тизимнинг амалда татбиқ этилиши буғун ўз ижобий натижасини бермокда. Сўнгти беш йилда ойлик иш-ҳаки халқ таълими муассасаларида 2,9 баробар, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида қарийб 4 марта, олий таълим соҳасида 3,6 карра оширилгани, минглаб устоз ва мураббийлар, профессор-ўқитувчиларимиз Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден

ва медаллари билан тақдирлангани ҳам ана шундан далолат беради. Маънавият ҳакида қанча галирилмасин, мухим фикрлар бийлирилмасин, агар уларни жамият онгига сингдириш учун доимий иш олиб борилмаса, кўзланган максадга эришиб бўлмайди, яъни инсон қалбига йўл топиб бўлмайди.

Инсон қалбига йўл таълим-тарбиядан бошланади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она тилининг бетакрор жозибаси бидан сингади, ўзликни англаш, милий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўргасидаги миллий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Маърифатпарвар Абдулла Авлоний: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадурган ойинаи ҳёти тил, она тили—бу миллатнинг руҳидир, миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур»¹-дея эътироф қиладилар.

1989 й. 21-октяброда ўзбек тилига давлат тили макоми, шу йилнинг 1-декабрида корақалпок тилига давлат тили мақомининг берилиши, мустақил давлатимизнинг байроби, герби, мадхияси, Конституцияси категорида турадиган муқаддас тимсоллардан бирига айлангани миллий онг, миллий тафаккур ва маънавиятни, миллий тарбияни ривожлантиришдаги, авлодлар ўргасидаги ворисийликни таъминлашнинг асосларини кенг ва атрофлича очиб бердилар. «Тилга эътиборсиз - элга эътиборсиз» деган ўтмиш алломалари, мутафаккирларининг сўзлари бугунги кунда ҳам нихоятда бекиёсдир. Бу борада аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, отоналаримиз қатори биз учун энг якин бўлган яна бир буюк зот - ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатларини хурмат билан тилга олиш лозим. Маърифатпарвар боболаримизнинг фикрини давом эттириб, «агарки дунё иморатлари ичida энг улуғи мактаб бўлса, касбларнинг ичida энг шарафлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир, десак айни ҳакиқат бўлади»²- деб ёзади -мухтарам Президентимиз.

1-октябр санасини «Ўқитувчилар ва мураббийлар» куни сифатида умумхалқ байрами деб эълон қилинишида бу муқаддас даргохнинг, заҳматташ ўқитувчи меҳнатининг давлат ва жамият ҳётида қанчалик мухим аҳамиятга эга эканлиги назарда тутилади. Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган, кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишлар кўзлаган эзгу ниятларимизга эришиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган

ҳаёт барпо этиш, ёшлиаримизнинг, маънавий юксалиши йўлида мустахкам замин яратилмоқда. Бугунги кунда узвийликни таъминлаш мақсадида мактаб таълимига ҳам жiddий эътибор берилган. Юксак таракқиётта эришишни орзу киладиган ҳар бир инсон ва жамият ўз ҳаётини айнан ана шундай диалектик ва узвий боғлиқлик асосида қурган ва ривожлантирган тақдирдагина ижобий натижаларга эришишини таъкидлаш жоиз.

Янги авлодни тарбиялаш-халқни тарбиялаш деганларидек Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва мантикий давоми бўлмиш 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури қабул килинди. Унга кўра умумий таълим мактаблари моддий-техника базасининг холатини ўрганиши хамда 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Дастурини тўлиқ амалга ошириш, юртимизда таълим соҳасида ўкув муассасаларини куриш, реконструкция килиш ва капитал таъмирлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. 2014 йилда 540 дан зиёд объект, 380 мактаб, 160 дан ортиқ касб-хунар коллежи ва академик лицей тубдан янгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг мухим устувор йўналишларига бағищланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруzasида(15 январ 2016 й.), таълим-тарбия соҳасини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш масаласи ҳакида батафсил тўхталиб ўтдилар. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаштган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этмоқда. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни баркарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар микдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан кариб 2 баробар кўпdir.

Олий таълим соҳасида олий ўкув юртларининг профессор-ўқитувчиларини мунтазам қайта тайёрлаш бўйича мутлақо янги, такомиллаштирилган тизим жорий қилингани, 15 та таянч олий ўкув юргида олий таълим муассасалари раҳбарлари ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш хамда малакасини ошириш курслари ташкил этилганлиги, мазкур курсларда олий ўкув юртларининг 2 минг 700 га якин ўқитувчиси малака ошираётганлиги алоҳида айтиб ўтилди.

2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация килиш дастурга киритилган. Давлат бюджети жами харажатларининг 60% таълим-тарбия ишларига сарфланади. «Таълим тўғрисидаги Конун» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»

¹. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.Т. «Маънавият»2008.83-6.

². Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.Т. «Маънавият»2008.131-6.

мамлакатимиздаги барча бунёдкорлик жараёнларининг хукукий асоси бўлиб хизмат килмоқда.

Мустақиллик йилларида таълим тарбия тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашни замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон хукумати таълимни ислоҳотларнинг барча босқичлари учун ҳам устувор соҳа деб қараб келмоқда ва таълим тизимиға жиддий эътибор қаратилди, юртимизда дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилган таълим-тарбия тизими яратилиб, амалиётга татбиқ қилинди, жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган ва замонавий компютер технологиялари билан жиҳозланган кўплаб билим даргоҳлари барпо этилди. Зоро, бизнинг давримизда мамлакатимизда ислоҳотларни амалга оширишда одамлар дунёкарашининг ўзгаришида буюк давлат барпо этишдек олижаноб орзуйимизнинг рӯёбга чикишида замон талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Мана шу нуктаи назардан караганда, «Таълим тўғрисида» (1997 йил)ги Конун ва Президентимиз Ислом Каримов ташабbusи ва бевосита раҳбарлигига ишлаб чиқилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тақоррланимас, ўзига хос хусусиятга эга. У Ўзбекистоннинг ҳалқаро андозалардаги замонавий таракқиётини таъминлай оладиган, дадил, мустақил тафаккурли, малакали, билимли мутахассис, айни пайтда ички инсоний сифатлари барқ уриб турган, баркамол кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Республикамиз истиқболи, энг аввало, ўз Ватанига содик, мард ва фидойи, юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлган, замонавий фан-техника ютукларини мукаммал эгаллаган, бир сўз билан айтганда, баркамол ёшларга боғлиқ, ўз навбатида жамиятдаги ҳар қандай интилиш, буюк мақсад ва ғоялар давр эҳтиёжи туфайли юзага келади. Президентимиз: «Агар келажагимизни ўйлаб иш килмоқчи бўлсак, келажагимизда ишимизви давом эттирадиган бугунги ёшларимизга шароит яратиб, уларнинг ҳаёти ҳақида қайгурадиган бўлсак, маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлақо ўзгартиришимиз керак. Мумкин кадар иктидорли ёшларимизни керак бўлса, янги технология, янгича иш ташкил қилишни ўрганиш учун Япония, Америка ва бошқа жойларга юбориб, уларни ўқитишга, тажриба ортиришга имконият яратиш лозим. Иктисолидётимизни, ҳаётмизни ўзгартириш шуларга боғлиқ бўлади»¹ — деган эди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда демократик жамият куриш амалга оширилмоқда. Бунда таълим-тарбия тизими ҳам тубдан ислоҳ

этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 41-моддасида:

«Хар ким—билим олиш хукукига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир» деб белгилаб кўйилди.

«Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шаркона қараш, шаркона хаёт фалсафаси», Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё најот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир» деган сўзлари ҳозирги вактда ҳам долзарб аҳамият касб этади-деб таъкидаланади И.Каримовининг «Юксак маънавият - енгилмас куч асарида»². «Шуни унумаслик керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, ҳалқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига борлиқ»².

Ўзбекистондаги таълим тизимиning миллий асоси қўйидагиларда намоён бўлади:

- а) Шахсга йўналтирилган таълимнинг жорий этилганлиги;
- б) Миллий ўзликни англашга йўналтирилганлиги;
- в) Узлуксиз таълимнинг касб-хунарни эгаллашга йўналтирилганлиги;
- г) 12 йиллик мактаб-коллеж таълимининг бепуллиги;
- д) Таълимнинг демократик мазмунга эгалиги, яъни танлашга асосланганлиги;
- е) Таълимнинг давлат тиллари (ўзбек, қорақалпок) ва бошқа тилларда (рус, қозоқ, тоҷик, кирғиз, туркман) олиб борилиши;
- ж) Таълимнинг ишлаб чиқариш билан боғликлиги;
- з) Таълимнинг фан билан уйғунлиги;
- к) Ўқувчи шахсининг нафақат таълимнинг обьекти, балки субъекти ҳам эканлиги;
- л) Таълимнинг маънавий-ахлоқий тарбия билан уйғунлиги;
- м) Узлуксиз 12 йиллик таълимнинг ҳамма учун мажбурийлиги;
- н) Таълим мазмуни миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига асосланганлиги;
- о) Ёшларнинг узликсиз таълим тизими якунида ҳаётта камида 2-3 касбга эга бўлиб, замонавий ахборот технологияларини ўзлаштириб, хорижий тилларни ўрганган ҳолда мустақил фаолият юритишга тайёр ҳолда кириб боришларининг кафолатганлиги.

¹. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч—Т.: Ўзбекистон, 2008, 62-б.

². Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч—Т.: Ўзбекистон, 2008, 61-б.

1.2. Миллий таълим модели—комил инсон шахсини шакллантириш асоси

Мустакиллик ўз-ўиздан демократияни, шахс ва тафаккур эркинлигини таъминлай олмайди. Янги модел, танлаб олинган тараккиёт йўли, мақсад ва вазифалари янги ижтимоий фикрни, ижтимоий онгни, янги инсонни тарбиялашни талаб килади. Ўзбекистон мустакилликка эришигач, ўз тараккиёт йўлини — янги жамиятга босқичма-босқич ўтиш моделини эълон қилди.

Бу моделнинг асосий тамойиллари - янни, иктисаднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислохотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислохотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принциплари. Мустакиллик туфайли Ўзбекистонимизда демократик жамият қуриш амалга оширилмокда. Ўзбекистоннинг бешта устувор тамойилдан иборат бўлган, дунёда тараккиётнинг «ўзбек модели» деб тан олинган ривожланиш йўли хар томонлама туғри йўл эканини истиклол тарихимиз исботлаб бермоқда.

Президентимиз И.А.Каримов: «Дунёда «ўзбек модели» деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараккиёт стратегиясининг ажралиас кисми бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ўз вақтида қабул қилиб, амалга оширганимиз янги хаёт, янги жамият қурища энг кучли, айтиш мумкинки, энг кудратли омил бўлиб, нафакат таълим соҳасини, балки одамларимизнинг дунёқарашини, бугун хаётимизни тубдан ўзгартириб юборгани ҳақида бугун ҳар қанча гуурланиб, фархланиб гапирсак, арзиди, албатта¹ дея эътироф этган эдилар. Ўзбек моделининг асосчиси Ислом Каримов раҳбарлигига амалга оширилаётган тараккиёт йўлининг кўпчилик бошқа миллий моделлардан фарқ қиласидан хусусияти шундаки, у факат иктисадий ривожланиш эмас, балки кенг маънодаги миллий тикланиш ва ижтимоий тараккиёт модели ҳамdir. Яъни бошқа моделларда, асосан иктисадий ислохотлар назарда тутилган бўлса, ўзбек моделида ҳаётимизнинг барча жабҳалари - ижтимоий, иктисадий, сиёсий ва маънавий соҳалардаги ислохотлар камраб олинган.

Бу модел Ўзбекистон Республикасининг мустакил миллий тараккиёти қандай бўлишини асослайди. Давлатнинг белгиланган мақсадларга эришишига каратилган амалий сиёсатининг муштараклигини англатади. Ўзбекистон мустакилликка эришиш остонасидағи ўзгаришларни қуидагиларда қўриш мумкин:

¹Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш - энг олий саодатдир - Т., Ўзбекистон, 2015.123-б.

◆ 1989 йил 21 октябрь ўзбек тилига «Давлат тили» мақоми берилди;

◆ 1990 йил 24 март Президентлик лавозими жорий этилди;

Мустакиллик декларацияси қабул қилинди;

◆ 1991 йил 31 август Ўзбекистоннинг давлат мустакиллиги эълон қилинди;

◆ Наврӯз — умумхалқ байрами сифатида эълон қилинди ва б.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигига ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш миллий моделидан бош муддао қилиб комил инсон ва стук малакали мутахассисни тайёрлаи, Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида 1997 йил 29 август куни Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинини мухим қадам бўлди.

Дастурни рўёбга чиқариш босқичлари қуидагиларни ўз ичига олади:

• Биринчи босқич — 1997-2001 йиллар

• Иккинчи босқич — 2001-2005 йиллар

• Учинчи босқич — 2005 ва ундан кейинги йиллар.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий кисми қуидагилардан иборат:

• ШАҲС — кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва обьекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

• ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ — таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

• УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш мухитини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизими ва турлари қуидагилардан иборат:

• Мактаббагча таълим;

• Бошланғич таълим;

• Умумий ўрта таълим;

• Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими;

• Олий таълим;

• Олий ўқув юртидан кейинги таълим;

• Кадрлар малакасини ошириш ва уларни кайта тайёрлаш;

• Мактабдан ташқари таълим.

Олий таълим куйидаги боскичлардан иборат бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

• **Бакалавриат** — мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камидаги тўрт йил давом этадиган таянч олий таълимдир.

• **Магистратура** — аник мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камидаги икки йил давом этадиган олий таълимдир. Олий ўкув юртларидан кейинги таълим миллий таълим тизимида муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» ги Фармони (2012 йил 24 июль) хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорининг (2012 йил 28 декабрь) кабул килиниши муҳим ишлардан бири бўлди. Бу таълим боскичи 3 йилни ўз ичига олади.

Шаклари:

- Катта илмий ходим-изланувчилар институти;
- Мустақил изланувчилик.

Олий таълим соҳасидаги ўзгаришлар эса куйидагиларда намоён бўлди:

Биринчидан, олий таълим соҳасида абитуриентларни тест асосида ўқишига қабул килиш йўлга кўйилди;

Иккинчидан, вилоятлар марказларида педагогика институтлари университетларга айлантирилди;

Учинчидан, республикамиздаги ташкилотлар ва халқаро жамғармалар хисобидан чет элларга бориб, тажриба алмасиши ва талабаларни ўқишига юбориш тизими йўлга кўйилди;

Тўртинчидан, иқтисод ва бизнес соҳасидаги мутахассис ва ўқитувчиларни кайта тайёрлаш ишлари олиб борилди;

Бешинчидан, ўтиш даври хорижий мамлакатларнинг илбор тажрибаларини ўрганиш, талабаларнинг хорижда таълим олишлари, ўз навбатида хорижлик мутахассисларни республикамиз ўкув муассасаларига ишга тақлиф килиш йўлга кўйилди. Уларнинг барчаси мустақил республикамизнинг таълим соҳасидаги ютуклари бўлиб, буюк келажагимизнинг асоси учун хизмат қиласидаги ижобий ходисалар бўлди.

1995 йилнинг апрель ойида кадрларни сиёсий, маданий, маънавий хамда касб жихатдан кайта тайёрлаш мақсадида, Ўзбекистон

Республикаси Президенти хузурида Давлат ва жамият курилиши академияси ташкил этилди. Маълумки, академик таълим тингловчиларда миллий ва умуминсоний қадриятлар, кенг ақл-заковат, чукур билим ва мулоҳаза, ташаббус, муаммоларни хал этишга ижодий ёндашув асосида хозирги замон тафаккурини шакллантиришига қаратилгандир. 1996 йил май ойида Банк-молия академияси ҳокимият ва бошқарув органлари ходимларини, иқтисодий тузилмалар мутахассисларни сифат жихатдан янги даражада тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйигта бош муассаса сифатида ташкил этилди.

Ислоҳотда ўрта погонада ташкил этиладиган янги таълим муассасаларига алоҳида эътибор қаратилди ва унинг умумтаълим мактаблари билан олий ўкув юртлари ўртасида узлуксиз алоқа ва муносабатларни таъминлаши, замон талабларига жавоб берини масалаларига алоҳида эътибор берилди. Мазкур хужжатлар инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонликка эришиши, шахс манфаатларини руёбга чиқариш шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскича тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзлаштиришни ислоҳотларнинг асосий мақсади килиб белгилади.

Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан-техника ва технология ютуклари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизимиши шакллантиришни назарда тутади. Таълим тизимида 1996-1997 ўкув йилидан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларидан ўкув жараёнлари янги алифбода олиб борила бошланди. Бунинг учун янги имло, янги алифбода ўкув дастурлари, кўлланмалар ва дарслеклар яратилди. Бундан ташкири янги турдаги таълим муассасалари лицей, бизнес мактаб, ўрта мактаб учун касб-хунар коллежлари ва хоказолар очилди.

Ўзбекистоннинг келажаги ҳар жихатдан узлуксиз таълимнинг холати билан алоқалордир, чунки мутахассис ходимлар тайёрлаш даражаси азалдан халқнинг иқтисодий гуллаб яшнаши, маданияти, маънавияти ва ҳаттоқи руҳиятини хам белгилаб келган. Миллий дастурнинг эътиборли томони унда халқимиз ва миллатимиз менталитетининг ўзига хос жихатларини алоҳида эътиборга олганларни билан кишиларимиз орзу-интилишилари, эҳтиёж ва манфаатларини кондиришга қаратилгандигидир. Миллий таълим-тарбиямизга назар ташлайдиган бўлсак, барча замонларда хам халқимизнинг дунёқараши, ўзига хос тафаккури ва турмуш тарзида хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга интилиш доим кучли бўлғанлигини кўрамиз. Ижтимоий ҳаёт тажрибаси, таълим-тарбия жараёнининг ўзаро узвий

алоқадаги уч таркибий бирлиги — тарбия, таълим, шахсни ривожлантириш түлиқ даражада амалга ошираётган бугунги кунда булажак ёш кадрларимиз онги ва қалбидан педагогик, психологик билимларни мустахкам сингдириш мухим омил бўлади. Ҳозирги замон педагоги факат дарс берувчи эмас, бола қандай ўқиётганини ва бола қандай ривожлангаётганини тушунадиган ва хис этадиган, унинг ички дунёси, маънавий-аҳлоқий умуммаданий ўсишига ёрдам берадиган шахсdir.

1997 йилда кабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимида жаҳон миқёсида эришилган ютуклар асосида яратилган бўлиб, юксак умумий ва қасб-хунар маданиятига эга, ижодий ва ижтимоий фаоллик, ижтимоий-сиёсий хаётда мустақил равишда мувафаккиятли фаолият юрита оладиган, истиқболли вазифаларни илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришта йўналтирилган.

1.3. Миллий таълим-тарбия Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, таракқиёти ва истиқболининг ягона йўли эканлиги

Мамлакатимизда бозор тизимига ўтиш жараёнида «Янги уй курмай туриб, эскисини бузманг» ва «Ислоҳот-ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» каби тамоилларга амал килиди. Президентимизнинг «Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш - энг олий саодатдир» китобида, «мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва қасб-хунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз ҳалқига фидойи, биз бошлаган ишларни давом эттиришта қодир бўлган, ҳар томонлама соғлом авлодни енгib бўладими, бугун биз ўз олдимизга кўйтан юксак максадларга етишда ана шу навқирон авлодимиз ҳал килувчи куч бўлиб майдонга чикаётгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишилайди»¹ деб таъкидлайди. Бугунги авлод 18 йил олдин қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг меваси эканлигини Президентимиз гурур билан таъкидлайди.

Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимизда ёш авлоднинг чет тилларни мукаммал эгаллашлари учун Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиши тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 10 декабрдаги ПК-1875-сон қарори асосида, 2013-2014 ўкув йилидан эътиборан умумтаълим мактабларининг 1-синифдан бошлаб чет тилларни ўқитишининг узлуксиз тизими жорий қилингани янги амалий қадам бўлди.

1. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш - энг олий саодатдир - Т.. Ўзбекистон, 2015.235- б.

Кишиларнинг дунё қараши ижтимоий шарт-шароит, таълим ва тарбияга алоқадор бўлган хизматларининг истеъмолчиси ва ишлаб чиқарувчиси булган шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти сифатида қаралар экан, уларнинг сифати ва самарадорлиги асосан маърифий, маънавий ёндашувга ўта боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.10.1997 й. N ПФ-1869 сонли «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ килиш, баркамол авлодни вояга стказиши тўғрисида» фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий малакали илмий ва илмий педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг (2012 йил 28 декабрь) кабул қилиниши мухим ишлардан бири бўлиб, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ килиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш дан иборат.

Президентимизнинг доимий эътибори натижасида юртимизда жаҳондаги нуфузли университетлар билан якин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Бунинг натижасида Тошкентда Буюк Британиянинг Халкаро Вестминстер университети, И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, Италиянинг Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, Жанубий Кореялик шериклар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Инха университети ташкил этилди ҳамда муваффакиятли фаолият кўрсатмоқда.

Юртимиз ва хориждаги ўкув масканларида юзлаб иктидорли ёшлиар таълим олмокда ва ўз малакасини оширмокда. Бунда хорижий таълим муассасалари билан икки томонлама тажриба алмашиш йўлга кўйилгани мухим аҳамият қасб этмоқда. Мамлакатимизда нуфузли халкаро ташкилотлар, чет эллик таникли эксперт ва мутахассислар, таҳлилчи ва кузатувчилар иштирокида таълим сифатини оширишга доир кўплаб симпозиумлар, анжуман ва семинарлар ўтказилмоқда.

2012 йилнинг 17 февраляда Тошкентда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни баркарор тараккӣ эттириш ва модернизация килишнинг энг мухим шарти» мавзуида халкаро анжуманда ташкил этилди. Анжуманда кўплаб йирик халкаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараккӣёт банки,

Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этиб, узлуксиз таълим соҳасини ривожлантириш ва ёш авлодни баркамол тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўргандилар. Ҳакиқатан ҳам, юртимизда фаол, интиувчан, иқтидорли ва юксак маънавий фазилатларга эга, замонавий билим ҳамда қасбларни чукур эгаллаган - бутунги ва эртанги қунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларни вояга етказиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган.

«Биз таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларимизни, албатта, охирiga етказишимиз, бундай таълим даргоҳларини нафакат қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш, балки фарзандларимизни замон талаблари асосида камол топтириш учун энг юксак малакали ўқитувчи ва домлаларни жалб этиш, уларнинг билим ва тажрибасини мунтазам ошириб боришга энг муҳим, ғоят маъсулиятли вазифа деб қарашимиз зарур»¹- деб ёзди Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз асарида.

Таълим ва тарбия соҳасидаги ислоҳотлар биринчи навбатда ўқитувчининг шахси билан боғлиkdir. Шунга кўра, аввало, ўқитувчи шахсини шакллантириш, уни таълим ва тарбиянинг самарали шакл ва методлари, воситалари асосида ҳар томонлама пухта билимли, юксак маданиятли инсон қилиб камол топтириш лозим. Булар ўқитувчининг қасбий стукикка эришиши, ўз ишига ижодий ёндашишида катта роль ўйнайди.

Бутунги кунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, тарбиячи педагог ходимларга замонавий билим бериш, уларнинг маълумотини, малакасини ошириш мақсадида мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнда «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 4732 сонли Фармони чиқиб, унда олий таълим муассасалари профессор- ўқитувчиларининг қасб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг тақомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашини мақсад қилиб қўйилган.

¹. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир - Т.. Ўзбекистон, 2015.244-б.

Миллий дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рӯёбга чикаришни кўзда тутар экан, унда кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат деб белгиланди:

- а) Ўзбекистон Республикасининг демократик ҳуқукий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;
- б) мамлакатимиз иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан ҳом ашё йўналишидан, рақобатбардош саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятининг кенгаяётганлиги;
- в) давлат ижтимоий сиёсатида шахс манфаати ва таълим устуворлигининг қарор топганлиги;
- г) миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланётганлиги, бой миллий маданиятнинг тарихий атъяналарига ва ҳалқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;
- д) Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятияга интеграциялашуви, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обру-эътиборининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

Миллий дастурнинг асосий мақсади эса, таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, унинг истибодд ийтиларидан колган мағкуравий қарашлардан ва сарқитлардан тўла холос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларига жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишидир. Мамлакатимизда кабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» мустакиллик даври эҳтиёжи ва кишиларимизнинг, давлат ва жамиятнинг унга эҳтиёж-мандлиги натижасидир.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодга эътибори, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш соҳасидаги сиёсат айнан ана шу эҳтиёжмандликдан келиб чиқканлиги айни ҳакиқатдир. Шу боис, Юртбошимиз «Кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан, уларни кадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва кўллаб-куватламасдан, ўйлайманки бирон-бир соҳада ахволни хеч канака тарзда ўзгартириб булмайди»¹ – деб такрор ва такрор уқтиради. Ёшларимизнинг педагогик, психологик билими, мураккаб технологияларни эгаллаш, ахлоқий поколиги, мустакил тафаккур-маънавий баркамоллик заминидир. Ҳозирги даврда РМР информацыйи чареси юрай!

¹. «Баркамол авлод—Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». Т., 1997 йил, 32-бет.

талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш муаммоси ўз мохиятига кўра фалсафа, педагогика, психология, методика фанлари вакилларининг долзарб илмий-тадқиқот обьекти бўлиб қолмоқда.

Кадрлар масаласи накадар ҳаётий долзарб масала эканлиги, бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг барча соҳасидаги ишлар ривожи ҳам унга боғлиқ эканлиги кундан-кунга аник, равshan кўзга ташланиб бормоқда. Бу хусусида фикр билдирав экан давлатимиз раҳбари И.А. Каримов куйидаги гапларни таъкидлаган эди: «Юкори малакали, замонавий билимларга эга бўлган, ҳозирги кун талаблари асосида фикрлай оладиган етук кадрларни тайёрлаш ҳам ижтимоий-сиёсий, ҳам иктисадий муаммоларимизни ҳал этишинг қалити хисобланади»¹. Бугунги кунга келиб мамлакатнинг кадрлар имкониятини хисобга олган ҳолда мазкур муаммога янгича фикрлари ва кадрлар тайёрлашнинг янги шакл ва усусларини белгилашни тақозо этмоқда.

Кадрлар сиёсатини илмий жиҳатдан ўрганиш бир-бири билан боғланиб, кўп ҳолларда аралашиб кетган мутахассис, номенклатура, персонал, вазифадор шахс, шахсий таркиб деб аталмиши тушунчаларга назарий-амалий жиҳатдан аникроқ чегара белгилаш зарурлигини кўрсатади. Бунинг учун эса мамлакатимизда янгича фикрлайдиган, олиб борилаётган ислохотларнинг туб мохиятини тушуниб етадиган ходимлар тайёрлашнинг ягона тизимини яратмоқ лозим. Энг муҳими, таълим тизимини ислоҳ қилиш вазифалари мувафаккиятли ҳал этилса, ижтимоий-сиёсий ечим кескін ўзгаради, одамлар онгигда демократик қадриятларга янгича муносабат шаклланади. «Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустакил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносаби обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин. Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафакат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан ҳарбий кудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан балки, биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир»².

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг салоҳияти ва аҳамияти жиҳатидан теран фалсафий мохиятга эгалиги унинг ҳалқаро миёсда тан олинганлигига ҳам кўринади. Хусусан, 1998 йили Австралияда ўтган, ёшлар таълими истикболларига бағишланган «Осиё -Тинч

¹. Каримов И.А. Баркамол авлод-Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. Т. 1998 й. 14-бет.

². Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. Тошкент-1998 й. 5-бет.

уммони минтақасида XXI асрда таълим муаммолари» деб номланган ҳалқаро анжумандада таълимни ривожлантиришга қаратилган маҳсус давлат Дастури фақат икки мамалакатда—АҚШ ва Ўзбекистонда мавжуд экани таъкидланган. Италиядаги «Болонъя» университети проректори, профессор Ф.Фанфанеллининг ёзишича: «Миллий дастур бўйича таркиб топган ўрта маҳсус, қасб-хунар ўкув юртлари ҳаётга энди кириб келаётган усмирларнинг камидা икки-уч замонавий қасбни пухта эгаллаб олишларига имконият яратгани учун ҳам бу таълим тури бизни қизиқтириб қўйди. Чунки, Farbda бундай ўкув юртлари ҳали йўқ ва Ўзбекистоннинг бу тажрибаси турли мамлакатлардаги замонавий таълим тизимига жиҳдий ўзгаришлар киритишига туртки бўлди. Таълимнинг янги ўзига хос шакли бўлган коллеж ва академик лицейларда давлат таълим стандартлари асосида талабашшлар ҳамда ўкувчиларга билим берилмоқда.

Таълим-тарбия жараёнига комплекс муаммо сифатида диалектик ёндашиш зарур эканлигини давр талаби кундан-кунга тасдиқламоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг кенг камровли вазифалари: таълим-тарбия тизими ислоҳи, шу тизимда фаолият курсатадиган педагог ва кадрлар сифати, баркамол авлод тарбияси, билимли мутахассис тайёрлаш акс этилади. Педагогик муаммолар таркибида ўқитувчи шахсини хурматлаш, унинг фикрлари, талаб эҳтиёжлари билан хисоблашиш зарурлиги кўп маротаба тилга олинмоқда, ҳар бир педагогик муаммонинг ўз андозаси бўлади, лекин у ёки бу андозани тарбия жараёнини ягона, ўзгармас асоси сифатида қабул килиш мумкин эмас. Чунки, тарбия босқичма-босқичлик, даврийлик, ўзгарувчанлик каби хусусиятларга эга бўлиб, ўқитувчи тарбиянинг маълум бир босқичидагина тарбия жараёнини ташкил этишга иштирок этади. Бу босқичда ўқитувчи шахснинг маънавий-ахлоқий характер хусусиятлари бир мунча шаклланган бўлади. Ўқитувчи худди шу таълим-тарбия юқори босқичда умумий педагогик тизимини самарадорлигини таъминлашга алоҳида эътибор беришига тўғри келади.

Педагогик мулодотда ўқитувчи шахсининг сифатлари ва унинг хатти-харакатлари ўқувчининг идеали сифатида намоён бўлади. Ўқувчининг ўқитувчи шахси ҳакидаги қарашлари, унинг хатти-харакати, педагогик маҳорати, маънавий-маданиятига мос келмаса яхлит педагогик жараённи ташкил этишда ҳам ижобий натижа бермайди. Ўқитувчи «субъект» билан ўқувчи «объект» ўртасидаги, каттиқ интизом ҳам педагогик жараёнга салбий таъсир этади.

Таълим-тарбия жараёнда педагог ҳар бир ўқувчининг қобилиятини намоён қўшиши учун зарур шароитни яратиши, уларнинг қизики-

шини, мойилитиши, ўзига хос характер хусусиятларини ўрганиш лозим. Субъект (ўкувчи) билан обьект (ўқитувчи) фаолияти уйғунлашуви хар вақт муайян замон ва маконгагина хослигини ҳисобга олган ҳолда ўз билимини намоён қилишга шароит яратилиши керак.

Республикализ таълим марказида ҳам илғор маърифий қадриятларни ўрганиш, баҳолаш ва амалиётта татбиқ этиш билан бир қаторда, жаҳоннинг илғор педагогик тажрибаларини қўллаш мезонлари ишланиб таълим-тарбия тизимда янги педагогик технология ва унинг айрим элементлари кўллаш тавсия этилди. Маълумки, технология-шахсни ўқитиш, тарбиялари ва ривожлантириш қонунларини ўзида жо килган ва якуний натижани таъминлайдиган педагогик фаолиятдир:

Биринчидан, янги педагогик технологияларни таълим-тарбияга жорий этиш, унинг моддий-техник базасини янгилаш, модернизациялари орқали амалга оширилмоқда;

Иккинчидан, компьютер, ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу, интернет тизими, компьютер, электрон доска, электрон дарсликлар яратиш ва ундан фойдаланиш имкониятини бермоқда. Инглиз тилини ўрганиш ва билишта давлат сиёсати даражасида аҳамият берила бошланди;

Учинчидан, таълим соҳасида амал қилиб келган эскича (анъанавий) усуулардан воз кечилди. Билимни баҳолашнинг тест тизимига ўтилди. Бу таълим соҳасида мавжуд бўлган айрим салбий ҳолатларнинг ҳам олдини олиш имкониятини бермоқда. Бу соҳада айрим эскича қараш ва ёшдошувлар сакланиб қолаётган бўлса-да, бу тизимнинг афзалигини, таълим тизимини янада янгилашта хизмат килаётганлигини таъкидлаш лозим;

Тўртинчидан, олий таълим тизимида қадрлар тайёрлашда икки босқичли тизимга ўтилганлиги олий малакали илмий педагогик қадрлар тайёрлашда бир босқичли тизим жорий этилиб, докторантурा институтининг амал қилиши билан меъёрлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этила бошланганлигини ҳам бу соҳада дунё мамлакатларини эришган ютуқлари, тажрибаларини ҳаётта жорий этиш билан боғлик. Бу таълим соҳасини янада модернизациялашта таълимда - дунёвийлик, тарбияда эса миллий маънавий қадриятларни ҳисобга олиш, ўзлигимизни янада бойиб, янгиланиб бориштига хизмат қиласди.

«Маънавият-инсоннинг, ҳалқнинг, жамиятнинг куч - кудратидир. У ўйқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди, маънавият ҳақида гап кетар экан, мен аввало, инсоннинг руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойшадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкам-лайдиган, вижданини ўйготадиган кудратли ботиний кучни масавур қиласман»

Ислом КАРИМОВ

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Буюк мутафаккирларнинг бебаҳо мерослари таълим-тарбиямизнинг назарий ва амалий пойдевори сифатида

Президентимиз Ислом Каримов «Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа»¹ эканлигини ҳаётий мисоллар орқали атрофлича асослаб беради.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида маънавият тушунчасини давлат арбоби, сиёсатчи ва олим сифатида таҳлил қилиб берганлар ва буни педагог ходимлар, узлуксиз таълим тизимида ёшларга инсон, миллат, давлатнинг баркарорлиги, тараққиётга эришиш ва бу йўлдаги кийинчиликларни ентишда энг ҳал қилувчи куч ва таянч нуқта юксак маънавият, айни пайтда юксак маънавият - енгилмас куч, жамият тараққиётининг асосий воситаларидан бири ва илсон камолотининг йўлчи юлдузи эканлигини талабалар онгига сингдиришдан иборат.

Ёшларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда миллий тарбия модулини яратиш, талаба - ёшларда маънавий таъминланганликни шакллантириш ҳамда инсон манфаатларининг ҳалқ, миллат, давлат ва жамият манфаатлари билан уйғунлигини таъминлашни, маънавият инсоннинг улгайиши ва куч-кудрат манбай эканлигини, маънавий тикланиш ҳамда юксалишда, албатта, мустақилликнинг зарурлигини, маънавиятимизга ҳар қандай таҳдид ўзлигимиз ва келажагимизга таҳдид эканлигини, ушбу таҳдидларга карши курашишга доимо

¹. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қиласди - энг олий саодатдир - Т., Ўзбекистон, 2015.267-б.

хушёр туриш зарурлигини, маънавий баркамол, гоявий курашчан инсон Ватанимиз тараккиётининг пойдевори эканлигини талабаларга тушунтириш лозим.

Маънавиятни шакллантиришига бевосита таъсир қиласиган мухим хаётий омил—бу таълим-тарбия тизими билан чамбарчас боғликлigi, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган. «Биз халқимизнинг дунёда хеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, хеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада хушёрлик ва сезигирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсақ, бу ўта мухим ишни ўз ҳолига, ўзи бўларчиликка ташлаб кўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараккиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин»¹—деган эдилар. Инсонни инсон қиласиган, уни руҳан юксалтириб, улуғ ишларга даъват этадиган бекиёс куч маънавий тарбия ижтимоий-педагогик зарурият сифатида юзага чиқмоқда. Мустақилликнинг эркин нафаси барқ уриб турган хозирги кунимизда таълим-тарбиявий, ижтимоий-маданий мотивларни ўз ичига олган, миллий-рухий меросларимизнинг маънавий асоси бўлмиш корақалпок фольклорининг 100 жилдиги босмадан чикариляпти.

И. В. Савицкий номидаги Корақалпок давлат санъат музейи мустақиллик шарофати билан, Президентимиз И. Каримовнинг шахсан раҳбарлигига ушта янги биноси курилиб, дунё диккат-эътиборини ўзига жалб қилаётган халқимизнинг 65 мингдан зиёд бой маънавий ва тарихий меросини бутун дунёдан минг-минглаб туристлар келиб кўрмокда. Америкали профессорлар Сью Александр ва Виктория Полеттолар музейни томоша қиласар экан ўзларининг хайратини, шодлигини яшира олмади. «Бизлар, — деди, — Аманда Поуп ва Чавдар Георгийлар тасвирга олган «Джайхун бўйидаги санъат даргохи» хужжатли фильмida музей ҳақида дастлабки маълумотга эга бўлган бўлсак, мана ўз кўзимиз билан кўриб орзулаrimиз ушади. Бу ерга келиб янгилишмадик-дедилар, фахрланиб».

Бугунжон ҳамжамияти тан олган корақалпок давлат санъат музейи 2012 иили жаҳонда энг катта сайёхлар сайти «TripAdvisor» макомига лойик деб топилди.

1.Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.Т.Маънавият. 2008 й. 4 бет.

Миллий маънавиятимизнинг ижтимоий педагогик жиҳати соғлом авлодни камол топтирища, донишмандлик угит-насихат мактаби бўлмиш корақалпок жиров-бахшилари ва уларнинг ижро этган кўшиклари билан достонлари маънавий тарбиямизнинг асосига айланди. «Корақалпок ҳалки ўзининг ўтмиш тарихи, урф-одат, анъаналари, тили, бетакрор маданияти билан ажралиб туради, корақалпок ҳалки ҳеч қачон кам бўлмайди» — деган эди Президентимиз И.Каримов¹.

Президентимизнинг **«Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз»**, деган ёясининг мазмуни энг аввало ёшларимизга ғамхўрлик билан бирга ударнинг кучи ва имкониятлари эркин ва фаровон хаётни яратади. Шу сабабли ёшларимизнинг имкониятларини намоён килиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Бунда ёшларни жисмонан бакувват, маънан баркамол, аклан юксак, руҳан уйғок авлод қилиб тарбиялаш милдий гоянинг таркибий кисми сифатида илгари сурилган. Бугунги кунда маънавият тушунчаси инсон билан боғлик бошқа тушунчалар билан бирга онгу тафаккуримизда яхлит тизим сифатида ўзининг муносиб ўрнини эгалламокда. Маънавият тушунчаси жамият ҳаётидаги гоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлокий қарашларни ўзида тўла мужассам этади.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти бўлмиш АЙСЕСКО томонидан Тошкент шахрининг 2007 йилда «Ислом маданияти пойтахти» деган улуғвор номга сазовор бўлиши юртимизда етишиб чиқкан илму уламоларнинг Ислом маданияти ва маърифати ривожига кўлиган бебаҳо хиссасининг ислом дунёсида эътироф этилиши:

— Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илми олдидаги, ислом мероси ва ёдгорликларини асрараш ва янада бойитиш борасидаги буюк хизматлари;

— Мадраса ва масжидларининг бинолари, минглаб нодир кўлэзмаларга бой бўлган кутубхоналари, ислом уйғониши даврининг буюк усталари, аллома ва меморлари ижодига мансуб намуналари кўз корачигидай авайтаб-асралаётган музейлари билан бутун дунё мусулмон мамлакатларини хайратга solaётганлиги;

— Тошкентда ал-Бухорий номли ислом институтида, Кўкалдош номидаги мадрасасида, Тошкент ислом университетида диний уламолар, диншунослар, ислом хукуки ва манбашунослик, жаҳон иқтисодиёти ва информатика мугахассисликлари бўйича МДҲ мамлакатларига

1.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт-пировард мақсадимиз. Т. 2000 й. 116 бет.

кадрлар тайёрлаб берәётганды (Россия, Қозогистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистанда буунги муфтийларнинг деярли барчаси ўзбек заминидан муносиб таҳсил ва тарбия олганлар);

— Тошкентда «Жаҳон маданияти ёдгорликлари» рўйхатига киритилган Усмон Куръони сакланадаётганды;

— Мусулмон оламининг жаҳонга машхур олимлари, файласуфлари ва шоирлари ушбу мамлакат худудида стишиб чиққанлариги;

Республика раҳбариятининг маданий ва маънавий қадриятларини қайта тиклашга йўналтирилган сиёсати, шунингдек Ўзбекистон ҳукумати томонидан ислом цивилизацияси ёдгорликларини химоя килиш ва кўз корачиғидай асрар бўйича кўрилаётган чора-тадбирлари эътиборга олинган.

Тошкент шаҳрининг «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинини бутун Ўзбекистоннинг бой ислом тарихий меъросининг жаҳон цивилизацияси тараккиётида тутган ўрнини эътироф этилиши билан баробардир. Мустақиллик йилларида буюк шахсларнинг хотирасига багишлаб барпо этилган ёдгорликлар мажмуалари жамият маънавиятини юксалтиришга, миллий фоя ва миллий фуурни кўтаришга хизмат килмоқда Диний байрамларимиз — Рамазон ҳайити, Курбон ҳайити, ҳалқимизнинг қадимий байрами — Наврӯз тикланди. Куръони карим, ҳадиси шарифлар биринчи марта ўзбек тилига таржима килиниб, нашр этилди, Тасаввuf пирлари — Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд юбилейлари ҳалқларимиз руҳида покланиш туйғуларини уйғотди. Пойтахтимизнинг қоқ марказида соҳибқиён бобомиз Амир Темурнинг улуғвор мужассамаси ўрнатилиши ўзбеккорақалпок ҳалқларининг ҳар бир фарзанди руҳида ҳакли ифтихор ҳисларидан ўчмас ёфду пайдо қилди. Улар қолдириб кетган маънавий мерос буунги кунда бутун дунё ҳалқларининг мулкига айланганидир, диний қадриятларимизни тиклашимизнинг асоси бўлиб маънавиятимизни, қалбимиз ва рухиятимизни бойитмоқдадир.

Авлод-аждодларимиздан қолдирилган ана шу моддий ва маънавий мерос мустақиллик шароитида маънавий тикланиш, маънавий покланиш, маънавий ривожланишимиз учун асосий манба бўлиб келаётганды, рухиятимизни бойитиб бораётганды маданият ва маънавиятнинг ҳар доим уйғун ривожланишини тасдиқловчи ёрқин мисол бўла олади. Улар ҳар доим бир-бирларига ижобий таъсир ўтказиб ўзаро бир-бирларини бойитиб келганлар. Уларнинг узвийлиги умуммиллий маънавиятимизни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат килмоқда. Мазкур бой миллий-маънавий меросимизни ҳар томонлама чукур ўрганиш, идрок этишимиз учун барча имкониятлар мустақил

давлатимиз томонидан, бевосита Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан яратиб берилмоқда.

Мустақилликдан кейин шарқ мувафакирлари меросига бўлган муносабат ўзгарди. Шарқ мувафакирлари таваллуд айёмлари кенг миқёсда нишонланиши, уларнинг асарлари кўп миқёсда чоп этилиши ва уларнинг асарларига оид илмий тадқиқотлар сони ошиб бориши аждодларимиз меросига садоқатли эканлигимизни тасдиқлади.

Ўзбекистонимизда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда куйидаги буюк алломалар, давлат арбоблари, мувафакирлар ва шоирларимизнинг юбилейлари нишонланди, номлари қайта тикланди, ўз қадрини топди:

- 1991 йил - Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги;
- 1994 йил - Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги;
- 1996 йил - Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги;
- 1997 йил - Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги;
- 1998 йил - Аҳмад Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги;
- 1988 йил - Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги;
- 1999 йил - Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги;
- 1999 йил - «Алпомиш» эпосининг 1000 йиллиги;
- 2000 йил - Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги;
- 2000 йил - Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги;
- 2000 йил - Камолиддин Беҳзод таваллудининг 545 йиллиги;
- 2001 йил - «Авесто» яратилганининг 2700 йиллиги;
- 2002 йил - Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги;
- 2003 йил - Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги;
- 2003 йил - Абдухолик Фиждувоний таваллудининг 900 йиллиги;
- 2006 йил - Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги;
- 2006 йил - Ҳоразм Мамун академиясининг 1000 йиллиги;
- 2007 йил - Марғilon шаҳрининг 2000 йиллиги;
- 2007 йил - Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги.

Юқоридагилар билан боғлиқ тадбирлар ҳалқимизнинг жаҳон ҳалқлари ўртасида муносиб ўрни борлигини намойиш этади. Буунги кунда ўтмиш маданий-маърифий меросини, жумладан Шарқ ҳалқлари ахлоқий қарашларини ўрганиш жамият таракқиёти учун зарур бўлган долзарб масалалардан бирига айланган. Чунки аждодларимиз қолдириган маданий меросда барча даврлар учун керак бўладиган илғор фикрлар борки, булар буунги таракқиёт учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Ўтмишдаги мувафакирларимизнинг мероси инсоннинг яшашдан мақсади, жамиятда инсоннинг тутган ўрни, тарбияси, ҳаёти ҳақидаги пурмашно фикрли юксак тафаккур маҳсулидир. Улар ҳалқимизнинг маънавий дунёсини янада бойитишида, шахсни камол топтириша,

мустакил давлат фуқаросининг дунёкарашини юксалтиришда амалий ёрдам бўлиб хизмат килади. Шахсни ҳар томонлама илмий-маънавий томондан камол топтириш хамма вакт жамиятнинг муҳим ва асосий мақсади бўлиб қола беради.

2014 йил, 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзуусидаги ҳалқаро конференцияга келган иштирокчилар ҳалқимизнинг буюк даҳосига, бемисл илмий, маънавий ва маданий меросига койил қолиб, бизга ҳавас билан қарашини яшириб ўтирумади. Улар шу пайтга қадар бизнинг юртимизни яхши билмаганидан афсусда эканини билдирид¹.

Нафакат Марказий Осиё балки жаҳон олимлари уларнинг меросига кайта-кайта мурожаат этишмоқда. Марказий Осиё тарихи, этнографияси, археологияси ва санъатининг биз учун номаълум бўлган сахифаларини очишга ёрдам берган япон профессори жаноб Като монтакамизнинг йирик тадқиқотчиси ҳисобланади. Унинг Буюк Ипак йўлини, Бақтрия давлатини ўрганишга багишиланган ишлари, шунингдек, 1989 йилдан бўён Сурхондарё вилоятининг кўхна Далварзинтепа ва Коратепа шаҳарлари ўрнида олиб бораётган археологик тадқиқотлари, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Мирзо Бобур ва Марказий Осиёнинг бошка улуғ мутафаккирлари асарларини япон тилига китган таржималари бизнинг улкан монтакамиз тарихи ва маданияти ҳақидаги билимларни жаҳон мулкига айлантириш имконини берди. Америкалик тарихчи, археолог, антрополог, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, 22 та китоб ва 200 дан ортиқ илмий мақола муаллифи – профессор Фредерик Старр жанобларидир.

Унинг 2009 йилда «Марказий Осиёнинг янгитдан қашф этилиши» деб ном олган эссеси АҚШда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган йилнинг энг яхши материали сифатида эътироф этилган.

Шарқ Ренессанси даври Хиндистоннинг академик ва маданий доиралари томонидан ҳам чукур ўрганилмокда. Бугун ушбу анжуманда Индира Ганди номидаги Миллий маданият марказининг илмий раҳбари, IV-XV асрлардаги Ўрта Осиё ёзма манбаларини қиёсий ўрганиш бўйича узоқ йиллардан бўён самарали иш юритиб келаётган профессор Мансура Ҳайдар хоним ҳам иштирок этган.

¹. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш - энг олий саодатдир - Т.. Ўзбекистон, 2015. 85-6.

Олиманинг «Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарининг тарихий аҳамияти» деб номланган илмий монографияси ҳалқаро миқёсда кент эътироф этилган бўлиб, у Амир Темурнинг ҳаётлиги даврида унинг давлатчилик фаолиятига бағишилаб ёзилган ягона китобни батағсил тадқиқ этишга қаратилган. Коҳира университети профессори, турк филологияси ва адабиёти бўйича таникли олима Магида Маҳлуф хоним «Бобурнома»ни араб тилига таржима килди. Бизнинг буюк аждодимиз Захириддин Мұхаммад Бобурнинг шоҳ асари билан инглиз, форс ва бошқа кўплаб тиллар қатори эндиликда араб тилида ҳам танишиш имкони пайдо бўлди. Шарқ тарихи ва фалсафасининг турли йўналишлари бўйича 60 дан ортиқ нашр килинган ишлар муаллифи, Бельгиядаги Лувен католик университети профессори Юль Янсенснинг илмий фаолияти ҳам юқсан. Олимнинг «Ибн Сино ва унинг араб ва лотин дунёсига таъсири» китоби, «Абу Али ибн Сино ва унинг мероси» тўплами факат мутахассислар эмас, балки бутун дунё китобхонлари орасида ҳам юқори баҳоланди ва кент эътироф этилди. Европада таникли враҷ, соғлиқни саклашнинг замонавий тизимини ташкил этиш соҳасида тан олинган эксперт, доктор Марк Боннелнинг фидокорона фаолияти катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовордир. У раҳбарлик килаётган «Абу Али ибн Сино - Франция» уюшмаси Франция ва Европада Ибн Синонинг маданият, фалсафа ва тиббиёт соҳасидаги илмий асарларини оммалаштиришга бекиёс ҳисса кўшмокда. Шунингдек, Утрехтдаги Фан тарихи институтидан машҳур голланд олими Роберт ван Гент ҳам иштирок этмокда. Ушбу тадқиқотчининг нашр этилган ўндан ортиқ китоби, 60 та маколаси факат астрономия, картография ва геодезиянинг бугунги долзарб муаммоларини эмас, айни пайтда уларнинг тараккӣ тарихини, жумладан, ўрта асрлар Шарқига мансуб даврни ҳам қамраб олади. Улуғ испан адиби Сервантеснинг тарих-фаолиятимиз ҳазинаси, ўтмиш гувоҳи, бутунги кун учун ибрат ва ўтиғ, келажак учун эса огоҳлантиришдир, деган сўзларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки энг аввало, ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгиз асарлари ва илмий мероси факат бир миллат ёки ҳалқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиклайди. Бу - бебаҳо бойлик, янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, керак бўлса, янги қашфиётлар учун ажойиб материалдир. Шу борада мустакилликдан сўнг шарқ мутафаккирлари мероси асосида олиб борилган илмий ишларни таъкидлаш лозим. Самарқандда Марказий Осиё мутафаккирлари илмий меросига бағишилаб ўтказилган ҳалқаро конференцияда жаҳон

олимлари бу мутафаккирлар меросининг замонавий жиҳатдан ҳам муҳимлигини тақидланади ва ўзаро ҳамкорлик асосида бу мӯътабар манбаларни ўрганиш ва таҳлил этиш юзасидан фикрлашдилар.

Буюк олим, математик, астроном географ ва тарихчи Абу Райхон Ал-Беруний ўрта аср фанининг ёрқин намоёндаларидан биридир. Улуг' комусий аллома ал-Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача факат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома кўлёзмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради. Бошқа ишлар каторида, бурчакнинг уч тарафлами кесишмаси ва кубнинг икки ҳисса катта килиш масаласини уч боскичли тенгламани ечиш масаласига айлантиришни топди ва ҳинд алгебраси ва грек геометриясини таққослаш натижасида бунга эриши. Унинг йил ҳисоби ва календар тўғрисидаги асари янада қимматлидир. Ҳиндистон тўғрисидаги көнг тарихий этнографик китоби ҳозирги замоннинг ҳар бир олими учун шарафли иш бўла олди. Илмни инсон ҳәётининг мазмуни ва келажакнинг меваси деб юкори баҳолаган Абу Райхон Беруний ўрта асрнинг буюк комусий олими, бекиёс ақлзakovat соҳиби, фанларнинг ва ижтимоий ҳәётнинг жуда кўп жилдий муаммоларини ҳал қилиб, шулар асосида жуда кўп илмий асарлар яратган улкан донишманддир. У ўз замонасининг ҳамма фанларини: тарих, илми хайъат, физика, математика, геодезия, маъданшунослик, минерологияни пухта эгаллаб олган ва бу фанлар тараққиётiga катта ҳисса кўшган улкан сиймодир. Беруний ўз асарларида дунёнинг чексизлигини, китъалар ва океанлар доимо ўзгариб туришини, яъни бир сув босиб, бир тоғ кўтарилиб, давр ўтиши билан дентизлар чўлга айланиси ходисасини илмий асослаган.

Беруний Ўрта Осиё олимлари орасида биринчи бўлиб, ернинг шар шаклида эканлигини исботлади ва ер күёш атрофида айланади, деган тўғри фикрга келди. У ер шари ўлчамини аниклаб, эни 5 метр келадиган глобус ясади, дунё ҳаритасини чизди. Дунёнинг қаерида қандай бойликлар борлигини Беруний Ўрта Осиё олимлари орасида биринчи бўлиб, ернинг шар шаклида эканлигини, дентиз сувининг ҳар кун икки марта қалқиб-кайтиб туришини, ой ва күёш тутилишларининг сабабини соддагина қилиб изоҳлаб берди. Амударё кайси вактда тошиб, кайси вактда саёzlаниб қолиши жадвалини тузди. Кейинчалик мазкур асарлар илмий қадрият сифатида жаҳонга таркалди. Шунинг учун ҳам америкалик тарихчи олим Г. Сартон жаҳон фани тарихида XI асрни «Беруний асри» деб атади. «Бундай юксак ва ҳакли баҳо аввало

комусий тафаккур соҳиби бўлмиш буюк ватандошимизнинг илм-фан тараққиётiga қўшган бекиёс ҳиссаси билан изоҳланади».

Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб дентизлар назарияси ва ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни тақлиф этди, ер радиусини хисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги хақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан «Беруний асри» деб аталиши бежиз эмас. Насиҳат бобида уч минг сўз ёздим, уч мингдан уч калимани танлаб олдим. Бу учтадан иккитасини эсда саклаб ва бирини унтиб юбор: Худони ва ўлим ҳақлитетини ёдинга тут, китган яхшилитингни унтиб юбор - Беруний ахлоқ тўғрисида насиҳатлари.

Х асрнинг комусий алломаси Абу Наср Форобийни замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, «Шарқ Аристотели» деб атаганлар. Абу Наср Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларнинг барча соҳаларини қамраб олувчи 160 дан ортиқ рисола яратган. Шундан 40 таси бизгача етиб келган. «Фозил одамлар шахри» асарида Форобий фикрича давлатни идора этувчи шахс ўзининг 12 та турма фазилати ва хислати билан ажralиб туриши, уни эгаллаган бўлиши лозимлиги таъкидланади. Булар: зийрак ақт; аниқ, лўнда баён қилиш қобилияти; соёломлик, фаросаглилик, кучли хотирага эга бўлиш; зеҳнилилик, чиройли муомалалик, маърифатга интилиш, нафсга қарши ўзини тия олиш, ҳақиқатгўйлик, олихимматлилик, бойликка қизикмаслик, адолатпарварлик ва жасурлик. Бу фикрлар Ўзбекистон жамиятининг маънавий янгилини шароитида ёшлар онгига милий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлитини шаклантиришда муҳим рол ўйнайди. Абу Наср Форобий инсон баҳт-саодат инималитини тушунган бўлса-ю, унга эришишни мақсад қилиб олмаса, гоя ва хоҳишга айлантирмаган бўлса, унга нисбатан озгина бўлса-да, шавқ ва завқ сезмаса, истак ва мулоҳазасини, куч ва кувватини бошқа нарсаларга сарфласа, бу кильмешлар ёмон ва ўринсиздир, дейди. Форобий, моддий ва руҳий неъматларнинг ҳаммаси биргаликда уйғунлашган чоғдагина ҳақиқий баҳт-саодатга эришиш мумкин, деган гояни илгари суради. «Бойнинг бойлигини безаб, камбағалнинг камбағаллигини яширадиган» гўзаликни «адаб» деб атайди. Форобий инсоннинг турма қобилиятига зукколик, донолик, зеҳн ўткирлиги, бирор касбни эгаллашга бўлган қобилиятни киритади. Форобий Фозил шаҳар аҳолиси-

нинг фикрлари асарида инсонийликни одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошлангич асос деб атайди. У кўплаб фанларни илмий каффиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий карашларини ривожлантириди ва 160 дан ортиқ асар ёзди. Улардан энг машхурлари «Моҳият ҳусусида сўз», «Фанларнинг пайдо бўлиши ҳакида китоб», «Тафаккур моҳияти» ва бошқа асарлар хисобланади. Форобий асарларининг асосий кисми кўплаб Европа ва шарқ тилларига таржима қилинган ва ҳозирги кунга қадар чукур тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда. Форобий кўп жилдлик «Мусика ҳақидаги катта китоб» асарида мусиқий билимни ижро санъати билан боғлиқ бўлган мусиқий амалиётга ва мусиқанинг «соф ўзини», ижро-чиликка боғланмаган холда ўрганадиган назарияга ажратади. Китобда оҳанг тизимидағи уйғунлик, зарб сингари ҳодисалар таҳдил этилади. Шу муносабат билан у товушларни эмас, балки товушлар тасаввурини берувчи ракъосларнинг мусиқий гояга бўйсунган оҳангий ҳаракатини англатувчи ритмик мимика-оҳангий ҳаракат тушунчасини киригади. Шунингдек, китобдан Яқин ва ўрта Шарқдан маълум бўлган мусиқий асаболлар, уларни ижро этиш йўллари, усуслари ҳакида, умуман мусика тарихи тўғрисида атрофлича маълумот олиш мумкин. Абу Наср Форобийнинг раҳбар маънавиятига доир қарашлари нафакат ўз даври, балки ҳозирги давр учун ҳам катта аҳамият қасб этади.

Ислом оламининг энг машхур файласуфи ва қомусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида гурур ва эҳтиром туйгуларини уйғотади. Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшлида бошлаган бу улуғ зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти аввало тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантик, кимё, физика, астрономия, математика, мусика, адабиёт ва тиљшунослик соҳаларига бағишиланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон ва бошқа кўплаб олимлар авлоди унинг асарларини ўқиб, ҳайратга тушганлар. Шарқда «Шайх ур-Раис» номи билан машхур бўлган ўрта асрнинг буюк мутафаккири Абу Али ибн Сино математика, астрономия, физика, кимё, биология, тиббиёт, дороишунослик, руҳшунослик, физиология, фалсафа, филология, таълимтарбия соҳаларида ижод этган. Булардан 40 дан ортиғи табобатга оид, 30 га яқин рисола турли табиий фанларга, 3 рисола мусиқага, 185 рисола фалсафа, мантик, психология, илохиёт, ахлюқ-одоб ва ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишиланган. Булардан бизгача 160 га яқин асар этиб келган.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бутун бир авлоди ҳакида сўз юритар эканмиз, Амир Темур ва Темурийлар даври

деб ном олган давр ҳакида, номи илм-маърифат осмонида бамисоли ёркин юлдуз бўлиб порлаб келаётган Мирзо Улугбек ва унинг Қозизода Румий, Али Кушчи сингари кўплаб сафдошлари ва шогирдлари ҳусусида эсламасдан ўтолмаймиз. Барчамизга яхши маълумки, Амир Темурнинг набираси бўлган, 40 йил Самарқандда хукмдорлик килган Мирзо Улугбек астрономия соҳасидаги буюк аллома сифатида шуҳрат қозонган ва унинг номи ҳакли равишда Коперник, Жордано Бруно, Галилей ва бошқа улуғ илм-фан даҳолари каторида тилга олинади. Улугбек Самарқанд Академиясининг асосчиси. Аллома ўзи курдирган мадрасаларидан бирининг пештоқига «Илм олиш ҳар бир мўмин ва муслима учун фарзидир», – деб ёздириб кўйган. Буюк тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий Улугбекка атаб «Мунтахаби жомъе ва таворихи шоҳий» асарини ёзган.

Мирзо Улугбекнинг XV асрда тузган астрономия жадвалида 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинган бўлиб, бу асар астрономик ўлчовлар бўйича 16 аср давомида яратилган биринчи янги каталог эди. Мирзо Улугбекнинг сафдоши Ал-Коший биринчи бўлиб ўнлик касрларни илмий истеъмолга жорий этди, эркин даражалар ишлизларининг изчили яқинлашиб бориши ва уларни топиши методларини ишлаб чиқди. Абу Абдуллоҳ Рудакий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Хоғиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб буюк файласуфлар, шоир ва маърифатпарварларнинг ижодий меросида донишмандлик ва борлиқ оламни гуманистик англашнинг жуда улкан, битмас-туганмас ҳазинаси сакланиб келмоқда. Бу мерос ҳақикатан ҳам жаҳон аҳамиятига молик бебаҳо бойлик хисобланади.

Дунё тарихидаги биригти туркий тилилар лугати бўлмиш «Девони лугатит-турк» китоби муаллифи Маҳмуд Қошгари бўлиб, у ўз асарида юксак маҳорат билан тўплашга эришган сўз бойлигининг том маънодаги олтин зарраларини – туркий мақол ва шеърларни ҳам келтириб ўтган. Кошгари туркий халқларнинг тили, маданияти, этнографияси ва фольклорининг биринчи тадқиқотчиси ҳисобланади.

Араб тили грамматикасининг асосчиси сифатида тан олинган буюк тиљшунос, адабиётшунос, географ ва файласуф аллома – Маҳмуд Замахшарий ҳаётлик даврида ёк кенг шуҳрат қозонган. У, шунингдек, тарихдаги биринчи кўп тили лугат – арабча-форсча-туркий лугатнинг асосчиси бўлган.

Ўрта Осиёдан етишиб чиқиб, миллий ва умуминсоний қадрияларни ўз фаолиятлари давомида шаклланишига катта рол ўйнаган Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино каби мутафаккирларимиз хизматлари эътироф этилиб, улар ҳакида турли тилларда кўплаб асарлар

яратилган. Уларнинг асарлари кўплаб тилларга таржима қилишган. Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Фаззолий (1059-1111) Алишер Навоий ҳазратлари «Садди Искандарий» достони мукаддимасида Фаззолийни «Кўк гумбази узра безакли қандил», «фалакдан туриб кишиларга бахт ва толеъ улашади» деб таърифлайди.

Алишер Навоий (1441-1501) Ўзбек ҳалкининг буюк фарзанди, мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси, Ўрга Осиёнинг маънавий ва маърифий фикр тараққиётida алоҳида ўрин тутади. У адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига оид киркдан ортиқ асар яратди. «Чор девон», «Хамса», «Махбубул-кулуб», «Муҳокаматул-лугатай», «Мажолисун-нағоис», «Лисонут-тайр» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шарқ мутафаккирлари томонидан инсон камолотига бағишланган панд-насиҳатларга бой, таълим-тарбия, ахлоқ-одоб соҳасидаги йирик дидактик асарлар яратган. «Махбубул кулуб» асарида ёшларда яхши сифатларни шакллантириши маслаҳат беради. Ёшларни ота билан онани жуда хурмат қилишга, оталарни қадрлашта чакиради.

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа она қошига.
Тун кунинга айлагил нурпош,
Бирисин ой англа, бирисин күёш.

А. Навоийнинг инсон камолоти ҳакидаги фикрлари улуғ тарбиявий хазина бўлиб соғдил кишиларимизда олижаноб ҳислатлар тарбиялашга хизмат қиласи. Президентимиз И. Каримов: «оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан карамаса. Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг сultonидир»¹. деб баҳолайди.

А. Навоий турмуш ва одоб-ахлоқ муаммолари билан боғлик бўлган «Қалбларнинг севгиси» асарида кишиларнинг аҳволи феъл-автори ва гап-сўзларнинг аҳамияти ҳакида қайноқ ўйтлар айтилса, иккинчи кисмда яхши ва ёмон хусусиятлар тўғрисида ахлоқий маълумотлар баён қилинади. Навоий аёлнинг турмушдаги ҳиссасига қуидагича тўхталади: «яхши хотин-оиланинг бахти ва давлати, уйнинг озодалиги ундан, уй-эгасининг хотиржам ва осойиштагити ундан. Ҳусни бўлса-кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса жон озифидир, окила бўлса, рўзгорда тартиб-интизом бўлади. Киши бу каби жуфтли ҳалол билан қовушса,

агар бундай бахтга әришса, гам ва кулфатда сирдошта, ошкор ва пинхоний дард-аламда ҳамнафас ва маҳрамига эга бўлади. Кимга шундай хотин учраса, бошита бахт кўшининг кўнгани шудир» Халқ болаларни ўқитиши ва тарбиялаш учун мактаблар очиш тўғрисида ғамхўрлик килган. Ҳалқни маърифатли қилишда мактабнинг роли каттадир. Эски мактабларда домлаларнинг билими ғоят чекланган, улар таълимтарбиядан мутлако ҳабарсиз, лекин диний билимлар етарли бўлмаса ҳам бажаришга моҳир, рухонийларга, феодалларга, амалдорларга таъзимкор ва давлатга садоқатли кишилар бўлган. Ўзбек ҳалқи тарбиявий ўтиг, панд-насиҳат, ибрат берувчи оғзаки ва ёзма бой меросга эга.

Ана шундай мисоллардан бири «Миллий истиклоқ ғояси, асосий тушунча ва тамоилилар» рисоласида ҳам таъкидланган идеек, Ҳазрат Навоийнинг: «Камол эт қасбким, олам уйидин Сента фарз ўлғомай ғамнок чикмоқ, Жаҳондин нотамом ўтмак биайних, Эрур ҳаммомдин нопоқ чикмоқ» деган фикрлар ҳар бир инсон комилликни ўзига шиор килиб олиши зарурлигини англатади.

Шарқ мутафаккирларнинг ахлоқий мавзуулардаги асарларини ўқиганда улар орасида моҳиятан ижтимоий тарбиявий масалалар жозибали ва қизикарли шаклда ёзилганини қўрамиз. Ахлоқий тарбия ва комил инсон тарбияси масалаларига тасаввур намоёндалари Аттор, Румий каби мутафаккирларнинг тарбиявий асарларида ҳам алоҳида эътибор берилган Илк ўрга асрлар даврида, ҳусусан, ахлоқшунос олимлар-адибларнинг асарлари ўзларининг тарбиявий аҳамияти, соддалиги ва қизикарлиги билан кенг китобхонлар ўртасида машҳур эди. Шундай бебаҳо жанрдаги асарлар каторига XI асрда ёзилган Амир Унсурулмаоний Кайковусининг (412-475) «Қобуснома» (Насиҳатнома) китоби ҳам киради. Китобидаги асосий ғоя ёшларни ота-онани хурмат қилишга, эъзозлашга чакиришdir. Муаллиф ота-она ўз фарзанди учун, ҳатто навбатида, уларни асло ранжитмасликлари, аксинча ширинсухонлик билан муносабатда бўлишларини уқтириб, ҳар бир фарзандки, оқил ва доно бўлса, ота-она меҳр-муҳаббатини адо этмактин бош тортмогой,-дейди ҳамда бу фазилат акли ва доно фарзандга хос нарса эканлигини кайд этади.

Кайковус ёшларга қасб ва ҳунар ўрганишни ташвиқ қилишдан ташқари, уларга жисмоний тарбия бериш керак эканлигини тарғиб киласи. Инсонни ўраб турган атроф-муҳитнинг мусаффо бўлишини истайди . Тарбиянинг инсон аклини шахсий ҳаётини таркиб топтирувчи омиллардан ҳисоблайди, инсонни тарбиялашда ҳаётий таъсири-нинг аҳамиятини эътироф этади. Комил инсон фазилатларини шакл-

¹Каримов И.А. Юксак маънавият-сигилмас куч. Т. Маънавият. 2008 й.47-бет.

лантиришга каратилган маънавий-ахлоқий ишлар самарадорлиги ёшларда мағкуравий иммунитетини шакллантириш, уларни ёт фоявий таъсиrlарга берилишдан ўзларини тийиш, саклашга ўргатишнинг аждодларимиз томонидан кўллаб келинган услуби бўлганилигини кўрсатади.

Шарқ мутафаккирлари шарқ халқларининг юрак сирларини очиб беради, улар киёфасини кўз ўнгимизда ҳар томонлама гавдалантиради ва шу билан бирга, бугунги кунда ҳам эскирмаган, то инсон бор экан, абадий тирик хақиқатни, дунёда барча нарсанинг яратувчиши ва истемолчиси инсон хақидаги туйгуларни барқарор киласди.

Шарқ мутафаккирларининг карашлари хилма-хил, маъноси бир-бирига яқин бўлиб, улар ота-боболаримиз психологиясини улар характерини, уларнинг ташвишу, орзу-умидлари дўсту-душманлари, урф-одатлари, маданий алокалари, ижтимоий табакалари фалсафий зукко фикрлари хақида якъол тасаввур беради. Мусулмон олами шарқ мутафаккирлари орасида инсон муаммолари билан қизиқкан ва шу хусусида ўзининг қимматли фикрлари билан келгуси авлодлар учун қолдирган олимлар жуда кўп. Юсуф Хос Хожиб (410-1019)-XI асрнинг атокли шоири ва буюк мутафаккири. Донишманднинг бизгача етиб келган асари саодатга элтувчи билим «Кутадгу билиг»дир. Унда Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий-таълимий қарашлари ўзининг бадиий ифодасини томган. Достон туркий тилда битилган бўлиб, замонасиинг одоб-ахлоқ ва яхшилик томон етакловчи одбономаси эди.

Билим кадрини ҳам билимли билар,
Гавҳар кадрини ҳам гавҳар билар.
Билимли билади билимнинг отин,
Билимсиз не билгай билим кийматин.
Ўкув кадрини укувли билар,
Билим сотса доно, билимли қадрини,
Нечук телба билгай билим қадрини,
Билим кайда бўлса билимли билар.

Юсуф Хос Хожиб Шарқ халқларининг турмуш тарзини, урф-одатлари ва анъаналарини яхши билар эди. Шу сабабли ҳам бу халқларнинг ахлоқ-одоб нормаларига катта қизиқиш-кичикларнинг бурчи эканлигини, ўз навбатида, катталар ҳам кичикларни эъзозлаш ҳамма учун бурч, инсоний кадр-қиммат белгиси деб билади.

2.2. Миллий қадриятларимиз, урф-одат, анъаналаримиз ёш авлод таълим-тарбиясининг яхлит тизими таҳлили

Юргбошимиз И.А.Каримов шу хусусда фикр билдирап экан: «Биз мустақилликка эришган биринчи кунларданок ўз кучимизга, ақл-заковатимиз, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизга, динимиз ва тилимизга таянган холда айни пайтда демократик эркин дунё эришган ютукларга ҳамоҳанг бўлиб ўзимизга мос, ўзимизга хос йўлни танладик ва бу сиёсатни қатъиятлик билан олиб бормокдамиз»¹ — деб таъкидлаган эди.

Таълим-тарбия барча даврларда ҳам инсоният олдида ҳал этилиши зарур бўлган энг муҳим долзарб вазифа бўлиб турган. Шунингдек, у одамларнинг амал қилиб келаётган тажрибалари, ютуклари, урф-одатлари ва анъаналари асосида ташкил қилинган. Фарзандлар тарбиясига доир шаклланган урф-одатларимиз, боқий анъаналаримиз кўп. Бугунги кунда баркамол авлодни шакллантиришини таъминлайдиган маданий, тарихий анъаналар, халқнинг урф-одатлари ва умуминсоний қадриятларга асосланган ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиядашнинг самарали ташкилий педагогик шакллари ва воситлари хисобланган балалар ва ёшлар ташкилотлари ва бирлашмалари хаётга жорий этилиб кент фойдаланиялти.

Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳастий қадриятларидан айри холда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, она тили, оила, махалла, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёѓгорликлар ёш авлод таълим-тарбиясининг яхлит тизими таҳлили, энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Маънавий ҳаётимизни юксалтиришда азалдан ўзбек, корақалпок махаллалари билан овлулари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келади. Ўзаро меҳр-оқибат, ахиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтоҷ кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим-есирларнинг бошини силаш, тўй-томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ва анъаналар авваламбор махалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини-ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафакат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чукур жой эгаллаган.

¹. Баркамол авлод орзуси». Т., «Шарқ», нацирети матбуот концерни. 1999 йил, 144-бет.

«Махалла — хам ота, хам она» деган ҳикматли акл ана шу ҳәёттүү ҳакиқатнинг ифодаси ҳисобланади.

Хар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соғ ва покиза түйгулари, илк ҳәёттүү тушунча ва тасаввурлари, тарбиявий урф-одат, аньаналарига муносабати биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характеристини, табиати ва дунёкарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Президентимиз И. Каримов: «бу ёруғ дунёда ҳәёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб атальши бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу оруз ва интилишлар билан яшайди», деган фикрни олға суради ва якунида ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, «оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат баркарордир»¹ — деган хулоса чиқаради.

Оила мухитида пайдо бўладиган ота-онага хурмат, уларнинг олдиғаги умрбод қарздорлик бурчани чукур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

Маънавият инсоннинг қон-қони, суюк-суюгига йиллар давомида она сути, оила тарбияси, аждодлар ўтиги, Ватан туйғуси, бу ҳәёттүү баязида аччик, баязида кувончли сабоклари билан қатра-қатра бўлиб сингиб боради. Айникса, табиатда, одамларга яқинлик, доимо яхшиликни ўйлаб яшаш, ҳалол меҳнат қилиш, дунёнинг тенгсиз неъмат ва гўзалликларидан баҳраманд бўлиш маънавиятга озиқ беради, уни янада кучайтиради.

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини ҳалқаро жамоатчилик тан олмокда ва эътироф этмоқда. Бу табаррук заминдан не-не буюк зотлар, олиму уламолар, сиёsatчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айникса, ислом дини билан боғлик билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари бекиёс экани бизга улкан гурур ва ифтихор бағишлайди.

¹. Каримов И.А. «Юксак маънавият—енгилмас куч» Т.2008.56 бет.

Республикамизда таълим-тарбия тизимини ислоҳ килиш борасида амалга оширилаётган ишлар худди мана шу мақсадга йўналтирилган. Зеро, ушбу масала ғоявий нұктай назардан «Кадрлар тайёрлаш миллий ластури» ва «Таълим тўғрисида»ги Конун принципларига сўзсиз муовифик келади. Демак, миллий меросимизни ўрганишнинг долзарблиги назарий жиҳатдан асослидир. Хусусан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да зикр этилган узлуксиз таълимнинг миллий модели (принципи)тамойиллари моҳиятган таълимнинг миллий-маърифий, илмий, тарихий, ҳалқ, аньаналари, миллий меросимиз билан уйғунликда олиб борилишини англатса, «Таълим тўғрисида»ги Конуннинг 4-бобида, маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий, миллий моделга кўра, таълим тизимини янгилаш табиий равища миллий меросимизни ўрганиш ва уни педагогик тафаккур истеъмолига олиб кириш заруриятини вужудга келтирмоқда.

Миллий меросимизнинг ғоявий негизи-шахс тарбияси, унинг маънавий эҳтиёжларига дарьогар бўлган оминаларни ўрганишдан иборат бўлиб келган, ушбу муаммо ҳозирда хам жамиятимизда олиб борилаётган сиёсатда энг муҳим масалалардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Аждодларимизнинг яратувчанлиги шахс манфаатларига қаратилган бўлса, айни вактда мустакил давлатимизда амалга оширилаётган барча янгиликлар хам инсон келажаги учун хизмат килиши кузатилган. Замонавий таълим-тарбия тизими ва миллий мерос асосидаги ғоявий уйғунлик, таълим-тарбия жараёнда миллий меросининг маънавий-маърифий заминларига таяниш зарурлигини ҳам англатади. Шу жиҳатдан олиб қараганда ўтмиш алломалари, мутафаккирларининг мақсади таълим - тарбиядангина иборат эмас, балки бир-бирига боғлик, бўлган кўпгина ҳәёттүү босқичларини ўз ичига олади.

Аждодларимиз таълим-тарбияядаги инсон шахси унинг хусусиятларини хисобга олиб иш кўрганлар. Буюк ахлоқшунос олим, қомусий билим эгаси Абу Наср Форобий: таълим-тарбия ишини бошлашдан аввал тарбияланувчиларнинг шахсий хислатларини ўрганиш лозим — деган эди. Аллома ўзининг «Бахт-саодатга эришув тўғрисида» асарида билимларни ўрганиш тартиби ҳакида фикр баён этади. Форобий таълимотида инсон таълим ёрдамида барча фанларни пухта ўзлаштириш билан маънавий-ахлоқий фазилатларга, одоб меъёрлари ва қасб-хунарга оид малакаларга эга бўлади. У «Таълим-тарбияядаги рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурди. Бу усууллар эса, ўз навбатида, Форобийнинг «Фозил инсонлар жамияти» асарида ахлоқан пок, баркамол авлоднинг тарбияси учун яратилгани фикрни тасдиқлайди.

Форобий таълим-тарбияга биринчи марта таъриф берган мутафак-
кир саналади. Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушинтириш асосида
назарий билим бериш, тарбия инсоний фазилатни ҳамда маълум
хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулк нормаларини ва амалий
малакаларни ўргатишдир, — дейди олим.

IX-X асрдан кейинги даврларда яшаб ўтган алломалар ҳам инсон
ахлоқи, ёшлар тарбияси масаласига оид кўп иш олиб боргандар. Бу
хайрли ишта тасаввуф оламининг алломалари Нажмиддин Кубро,
Фаридиддин Аттор, Баҳоуддин Накшбандий, Аҳмад Яссавий,
Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Азизиддин Насафий, Алишер
Навоий кабилар катта хисса кўшидилар. Бу алломаларнинг ижодий
фаолияти, бой маънавияти туфайли миллий тарбия тизимининг асос-
лари вужудга келди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий
моделимиз концепциясининг мазмуни миллий турмуш тарзимиз ва
маънавий-ахлоқий анъаналаримиз билан боғлиқдир. Ана шу анъаналар,
таълим соҳасидаги маърифий мероснинг ҳаётбахи неъматларини
тарбиянинг замонавий усусларига сингдириш лозим. Чунки, комил
инсонни замонавий таълим талабларидан четда туриб шакллантириб
бўлмайди.

Инсоннинг ўз-ўзини англаши—ватанипарварлик, миллатпарварлик,
миллатлараро тотувликнинг асоси хисобланниб, миллат менталитети,
урф-одатлари, тамойиллари, диний-ахлоқий қадриятларини таомил-
лантириб бориш туради.

Миллий урф-одатларимизда инсонга, кексаларга, устоз-мураббийга,
мехмонга, маънавий меросга ҳурмат ва эҳтиром энг яхши фазилатлар
хисобланган. Негаки, дунёнинг ҳамма ишлари ҳакиқат томонга юриш-
дир. Ҳалқимиздаги «Агар яхшилик қилиш кўлингдан келмаса, ёмонлик
ҳам килма», деган накл жавонмардликдан бизга мерос хисобланади.
Аждодларимизнинг мана шундай инсонийликка йўғрилган саъй-
харакатларига ихлосманд бўлиш бугунги даврнинг ҳаётий эҳтиёжидир.
Маданиятимиз пойдевори бўлган аждодларимизнинг тарихий меросига
ихлосманд бўлиш, уни ўрганиш илмий жиҳатдан катта аҳамият касб
этиб, ҳалқимиз яратган маънавий ҳазинадан баҳраманд бўлишда,
ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишда ва инсоннинг ҳар
томонлами камол топишида мухим ўрин тутади.

2.3. Глобаллашув жараённада миллий-маънавий таълим-тарбиянинг уйгулигини таъминлаш зарурияти

XXI аср инсоният тарихида цивилизациялараро мулокот аср,
техника технология ва ахборот коммуникациялар тизими мисли

қўрилмаган даражада такомиллашиб борувчи аср сифатида кириб
келди. Айни пайтда дунёдаги ходиса ва жараёнларни глобаллашув
тенденцияси, мамлакатлар, ҳалқлар ўртасидаги цивилизациялараро
ўзаро таъсирни янада кучайишига сабаб бўлмокда. Ҳозирги вактда
инсоният тарихини цивилизациявий жараёнлар, уларнинг турли
кўринишлари ва босқичлари сифатида караш илмда етакчи ўринни
эгаллади.

«Биз ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхғаб турмаслигини, албатта яхши
антглаймиз. Агар биз XXI асрда, тобора авж олаётган глобаллашув
жараёнларини, Интернет ва интеллектуал таракқиёт ҳал килувчи роль
ўйнаётган бир даврда яшайтганимизни хисобга оладиган бўлсан,
ҳаётимиз нақадар шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганини,
айниқса чукур хис киламиз»¹.

Ҳозирги дунёда амалга ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва
тарбия соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу бир
томондан, глобал ўзгаришларни объектив жараён сифатида инсон ҳаёти
соҳаларига таъсирини холисона ўрганишни тақозо этади. Иккинчидан,
глобал ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнларига ҳам ўзининг
таъсирини кўрсатаётганини сабабли унинг билан боғлик бўлган ютуқ
ва муаммоларни билиш ва тегишли хуласалар чиқариш амалий
аҳамиятга эга.

Глобаллашув таълим-тарбияшинг ахборот коммуникация тизими,
интернет тармоклари ва замонавий педтехнологиялар билан боғлик
янги имкониятлар яратиб бермоқда. Таълимнинг анъанавий усуслари
ўрида интерфаол усусларни кўллаш орқали унинг самарадорлигига
эришиш долзарб бўлиб турибди. Шунингдек, глобаллашув жараёнининг,
айниқса, тарбия соҳасига кўрсатаётган айрим ғарзали носоғлом тоғ滋味ий-
мафкуравий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқдаки, уни хисобга
олмаслик мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида глобаллашув ва
таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.
Мустақиллик туфайли мамлакатимизда таълим соҳаси тубдан ислоҳ
этиди, «Таълим тўғрисида» ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий
дастури қабул килинди. Бу таълим-тарбияга қўйилаётган янгича
талабларга ўзига хос жавобидир. Шунингдек, глобаллашув ва таълим-
тарбия билан боғлик бўлган ютуклар ва муаммолар И. Каримовнинг
«Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ўз ифодасини топган.

¹. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту икболи ва буюк кслажати йўлида хизмат
қилиш — энг олий саодатдир - Т.. Ўзбекистон, 2015, 14-б.

Форобий таълим-тарбияга биринчи марта таъриф берган мутафак-кир саналади. Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш, тарбия инсоний фазилатни ҳамда маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулк нормаларини ва амалий малакаларни ўргатишдир, — дейди олим.

IX-X асрдан кейинги даврларда яшаб ўтган алломалар ҳам инсон ахлоқи, ёшлар тарбияси масаласига оид кўп иш олиб борганлар. Бу хайрли ишга тасаввуф оламининг алломалари Нажмиддин Кубро, Фаридиддин Аттор, Баҳоуддин Накшбандий, Ахмад Яссавий, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Азизиддин Насафий, Алишер Навоий кабилар катта хисса кўшилар. Бу алломаларнинг ижодий фаолияти, бой маънавияти туфайли миллий тарбия тизимининг асослари вужудга келди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий моделимиз концепциясининг мазмуни миллий турмуш тарзимиз ва маънавий-ахлоқий анъаналаримиз билан боғликдир. Ана шу анъаналар, таълим соҳасидаги маърифий мероснинг хаётбахши незматларини тарбиянинг замонавий усулларига сингдириш лозим. Чunksи, комил инсонни замонавий таълим талабларидан четда туриб шакллантириб бўлмайди.

Инсоннинг ўз-ўзини англиши—ватанпарварлик, миллатпарварлик, миллатлараро тутувликнинг асоси хисобланиб, миллат менталитети, урф-одатлари, тамойиллари, диний-ахлоқий қадриятларини такомилаштириб бориш туради.

Миллий урф-одатларимизда инсонга, кексаларга, устоз-мураббийга, меҳмонга, маънавий меросга ҳурмат ва эҳтиром энг яхши фазилатлар хисобланган. Негаки, дунёнинг ҳамма ишлари ҳакикат томонга юришидир. Ҳалқимиздаги «Агар яхшилик қилиш кўлингдан келмаса, ёмонлик ҳам килма», деган накл жавонмардликдан бизга мерос хисобланади. Аждодларимизнинг мана шундай инсонийликка йўғрилган саъй-ҳаракатларига ихлосманд бўлиш бугунги даврнинг хаётий эҳтиёжидир. Маданиятимиз пойдевори бўлган аждодларимизнинг тарихий меросига ихлосманд бўлиш, уни ўрганиш илмий жиҳатдан катта аҳамият касб этиб, ҳалқимиз яратган маънавий ҳазинадан баҳраманд бўлишда, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишда ва инсоннинг ҳар томонлама камол топишида мухим ўрин тутади.

2.3. Глобаллашув жараённада миллий-маънавий таълим-тарбиянинг ўйгулигини таъминлаш зарурияти

XXI аср инсоният тарихида цивилизациялараро мулокот аср, техника технология ва ахборот коммуникациялар тизими мисли

қўрилмаган даражада такомиллашиб борувчи аср сифатида кириб келди. Айни пайтда дунёдаги ходиса ва жараёнларни глобаллашув тенденцияси, мамлакатлар, ҳалқлар ўртасидаги цивилизациялараро ўзаро таъсирни янада кучайишига сабаб бўлмокда. Ҳозирги вактда инсоният тарихини цивилизациявий жараёнлар, уларнинг турли кўринишлари ва босқичлари сифатида караш илмда етакчи ўринни эгаллади.

«Биз ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмаслигини, албатта яхши англаймиз. Агар биз XXI асрда, тобора авж олаётган глобаллашув жараёнларини, Интернет ва интеллектуал таракқиёт ҳал қилувчи роль ўйнаётган бир даврда янаётганимизни хисобга оладиган бўлсак, ҳаётимиз накадар шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганини, айникса чуқур хис қиласиз»¹.

Ҳозирги дунёда амалга ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу бир томондан, глобал ўзгаришларни объектив жараён сифатида инсон ҳаёти соҳаларига таъсириши холисона ўрганишини тақозо этади. Иккинчидан, глобал ўзгаришлар таълим-тарбия жараёнларига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатаётганилиги сабабли унинг билан боғлик бўлган ютуқ ва муаммоларни билиш ва тегишли хуласалар чиқариш амалий аҳамиятга эга.

Глобаллашув таълим-тарбиянинг ахборот коммуникация тизими, интернет тармоклари ва замонавий педтехнологиялар билан боғлик янги имкониятлар яратиб бермоқда. Таълимнинг анъанавий усуллари ўрнида интегралауда усулларни кўллаш оркали унинг самарадорлигига эришиш долзарб бўлиб турибди. Шунингдек, глобаллашув жараённинг, айникса, тарбия соҳасига кўрсатаётган айрим гаразли носоғлом гоявий-мафкуравий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқдаки, уни хисобга олмаслик мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида глобаллашув ва таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда таълим соҳаси тубдан ислоҳ этилди, «Таълим тўғрисида» ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Бу таълим-тарбияга қўйилаётган янгича талабларга ўзига хос жавобдир. Шунингдек, глобаллашув ва таълим-тарбия билан боғлик бўлган ютуклар ва муаммолар И. Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида ўз ифодасини топган.

¹. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш — энг олий саодатдир - Т.. Ўзбекистон, 2015, 14-б.

«Глобаллашув феномени хақида гапирганда, - дейди И.Каримов, - бу атама бугунги кунда илмий-фалсафий, хаёттый тушунча сифатида жуда көнг маңони антилатинин таъкидлаш лозим. Умумий нұктай назардан караганда, бу жараён мутлако янгича маңын-мазмундаги хұжалик, ижтимоий-сиеций, табиий-биологик глобал мұхиттің шаклланишини ва шу билан бергә, мавжуд миллий ва минтақавий мұаммоларнинг жаһон миқёсидаги мұаммоларга айданыб боришини ифода этмоқда»¹.

Президент глобаллашув жараёни ҳаёттимизга тобора тез ва чукур кириб келаёттанининг асосий омили ва сабаби ҳақида түхталиб, бугунги кунда хар қайси давлатнинг тараққиети ва равнаки нафакат якин ва узок қүшнилар, балки жаһон миқёсіда бошқа мінтақа ва худудлар билан шундай чамбарчас бөгләниб боряптика, бирон мамлакаттінніг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларға олиб келмаслигини түспүниш, англаш қыйин эмас, шу маңнода, глобаллашув - бу аввало ҳаёт суръатларининг бекіёт даражада тезлашуви эканлитики, вазиятта сергак бўлиш кераклигини таъкидлайди.

Хар бир ижтимоий ходисанынг ижобий ва салбий томони бўлгани сингари, глобаллашув жараёни хам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда унинг ғоят үткір ва көнг қамровли таъсирини деярли барча соҳаларда кўриш, хис этиш мүмкин. Айниска, давлатлар ва халқлар ўртасидаги интеграция ва ҳамкорлик алоқаларининг кучайиши, хорижий инвестициялар, капитал ва товарлар, ишчи күчининг эркин ҳаракати учун қўлайликлар вужудга келиши, кўплаб янги иш ўринларининг яратилиши, замонавий коммуникация ва ахборот технологияларининг, илм-фан ютукларининг тезлік билан тарқалиши, турли қадриятларнинг умуминсоний негизда уйғуллашуви, цивилизацияларро мулокоттінніг янгича сифат касб этиши, экологик оғатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши - табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмокда.

Хар қандай тараққиёт маҳсулидан иккى хил максадда-эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мүмкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишида кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак мэрраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва заарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун хам давом этаёттанини кўрамиз. Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тифиз, шу қадар тезкорки, энді илгаригидек, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб

бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятта берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз ийшлар орқада қолиб кетиши хеч гап эмас. Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати ҳозирги шароитда у мағкуравий таъсири үтказишнинг ниҳоятда үткір қуролига айланганини, хар хил сиеций кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган хар қандай одам, албатта, кузатиши ва тушуниши мүмкин эканлитикини таъкидлайди.

Президентимиз бугунги замонда мағкура полигонлари ядро полигонларидан хам кўпроқ кучга эга, бу мәсаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони агар ҳарбий, иктисадий, сиеций тазиик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мүмкин, аммо мағкуравий тазиикни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда кийин, шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовидан ўтган ҳаёттый-миллий қадриятларга, соғлом негизда шаклланган дунёкараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, хар турли маңнавий таҳдидларга, уларнинг тоғъиши ошкора, тоғъиши кўринишдаги таъсирига бардош бериши қыйин кечади. Буни бугунги замон ёшлари кузатиши мүмкин ва уларнинг қандай оғир оқибатларга олиб келишини хам билишлари мухим эканлитикини эслатади.

Бугунги кунда ёшлар нафакат ўкув даргоҳларида, балки радиотелевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали хам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмокда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораёттан шундай бир шароитда ёшларни ушбу воситаларни кўлламасликка чақириш хам тўғри келмаслиги ушбу асарда куйидагича изоҳланади: «Биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият куриш вазифасини ўз олдимизга қатый максад килиб кўйганмиз ва бу йўлдан хеч қачон қайтмаймиз»¹.

Ёшларимизнинг маңнавий оламида бўшлиқ вужудга келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгидаги ҳаёт тарзи миллий ва умуммиллий қадриятларга хурмат-эхтиром туйгусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур. Маңнавий таҳдид, ахборот хуружлари, мағкуравий курашлар ва «оммавий маданият» кўринишлари глобаллашувнинг салбий жиҳатларидир. Бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир карашда арзимас бўлиб туоладиган кичкина хабар хам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин заарини хеч нарса билан коплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мүмкин.

¹. Каримов И.А. Юксак маңнавият-снгилмас куч.- Т.: «Маңнавият», 2008, 111-6.

¹. Каримов И.А. Юксак маңнавият - енгилмас куч. - Т.: «Маңнавият», 2008, 114-6.

Глобаллашув даврида таълим соҳасида дунё фан ютуқлари, технологиялардан фойдаланиш қанчалик зарур бўлса, тарбия соҳаси эса мислий-маданий қадриятларга таянган ҳолда олиб боришни тақозо этади. Бугун глобаллашув шароитида таълим-тарбия соҳасида айрим муаммолар мавжудлигини хисобга олишимиз лозим деб хисоблаймиз:

Биринчидан, таълим ва тарбиядаги айрим узилишлар билан боғлиқ объектив ва субъектив ҳолатлар, яъни таълимни тарбиядан ёки тарбиянинг таълимдан орқада колиши айрим инсонлар ва ёшлар хаётида кузатилади.

Иккинчидан, тарбия жараённида сўз ва ишнинг бир-биридан фарқ қилиш ҳолатлари мавжуд. Бу қонунга риоя этмаслик,adolat принципларини бузиш, локайдик, инсонлар ҳаётига бефарқ караш билан боғлиқ кўринишларда намоён бўлади. Бундан ташкари носоғлом маҳаллийчилик, уруғ-аймокчилик, таниш-билишлик ҳолатлари хам таълим-тарбия жараённига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, таълим-тарбия жараёнидаги айрим муаммолар ҳалқимизнинг мислий маданий мероси ва қадриятларини, урғ-одат ва анъаналари билан боғлиқ ортиқча моддий ҳаражатларга йўл кўйишлар билан боғлиқ.

Тўртнинчидан, ёшларнинг таълим олиш, билим сирларини эгаллаш, бутунги замон талабларига жавоб берадиган касб-хунарга эга бўлиш талабининг айрим ёшларнинг ҳаётида хисобга олинмаслик ҳолати сакланиб қолмокда. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга бўлган интилишнинг етишмайтганлиги ҳолатлари мавжуд.

Бешинчидан, глобаллашув туфайли замонавий интернет тармоқлари орқали турли ҳил сайкларда ёшларнинг ўзаро мулоқотидаги тарбияга зид бўлган носоғлом кўринишдаги муносабатларнинг шаклланастағанлиги тарбиянинг мислий маънавий негизларига тўғри келмайди.

Бунда мана шундай зарарли ва ёт гояларга қарши мағкуравий иммунитетни шакллантиришда ёшларда мустакил фикр ва дунёкарашга эга бўлиб, зарарли гояларни фарқлашлари учун гояга карни гоя билан жавоб бера олиш маданиятини шакллантириб боришими мухим аҳамиятга эга.

Президентимиз И. Каримов тобора кучайиб бораётган бундай хатарларга қарши доимо сергак, огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшашимиз зарурлиги ҳакида уқтириб, «бундай таҳдидларга қарши ҳар томонлама чукур ўйланган, пухта илмий асосда ташкил этилган, мунтазам ва узлуксиз равишда олиб бориладиган маънавий тарбия билан жавоб бериш мумкин»¹. эканлигини таъкидлайди.

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2008, 29-6.

Мислий-маънавий мерос ва қадриятларга ҳамда хозирги пайтда лунёда эришилаётган таълим соҳасидаги илғор ютуқларни билиш, ундан самарали фойдаланиш билан, мислий маънавиятимиз асосларини эталлаш масъулияти ва маданияти янги авлод вакиллари таълим-тарбиясида катта аҳамият касб этади:

Шахс маънавияти—бу ҳар бир кишининг ўзини инсоният фарзанди, муайян миллат вакили, давлат фукароси деб билган ҳолда ўз Ватани тупроғини, сувини, ҳавосини ва жамики бойликларини кўз корачигидай асрарлари, унинг озодлиги-ободлиги, равнаки, ҳар бир фуқаронинг хукук ва эркинликларини хурмат қилиш, иззатини жойига кўйиш йўлида чин виждан, иймон, эътиқод, садоқат, ишонч, ҳалоллик, довюраклик, бегаразлик, хурмат, катта фидойилик ва аклий теранлик билан фаолият олиб боришга қаратилган ички руҳий ва аклий оламининг мажмуидир.

Ахлоқий қадриятлар—инсон маънавий камолоти сарчашмаларидан бири бўлиб, у туфайли жамият равнақ топади, фукароларнинг баҳт-саодат ҳақидаги орзу-умидлари рўёбга чиқади. Қадрият мақомини олган ахлоқ ана шу жараёнда ўзининг ижобий кучини намойиш килади. Ахлоқий қадриятлар деб ҳар бир киши, миллат, элат, ҳалкнинг иктиносидий, сиёсий, хукукий, маънавий-маданий, кундалик майший турмуш фаолиятида нисбатан турғун, баркарорлик касб этиб ўзлигини билдириб, намоён этиб ниҳоятда қадрланадиган, ардоқланадиган юксак даражада шаклланган ахлоқий сифат ва фазилатларининг муайян тизимига айтилади.

Умуминсоний ахлоқий қадриятлар—бу бутун инсониятнинг ободлиги, озодлиги, равнаки йўлида хизмат қилган ва қиласидиган энг қадрли ва умумижтимоий аҳамиятга молик бўлган нарсалар, ҳодисалар, воқеалар ва жараёнлардир. Унга Ер сайёрасигинг атмосфера катламини асраш, ер юзида тингчликни саклаш, инсонтарварлик, ижтимоий адолат, демократияни қарор топтириш, инсон хукукларининг поймол этилишига йўл қўймаслик, ҳалқаро ҳавфсизликни таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш, турли ҳил қасалликларнинг олдини олиш, қашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ва ҳоказолар киради.

Мислий ахлоқий қадриятлар—ҳар бир миллатнинг келиб чикиши, ривожланиши, тенглар ичida тенг бўлиб яшashi, ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хукукий, маънавий-маданий фаолияти билан боғлиқ бўлган тақрорланмас, нисбатан турғун, баркарорлик касб этиб ўзлигини англатиб, намоён этиб, ниҳоятда қадрланадиган, инсонда ғуур ва ифтихор туйғусини уйғотадиган ахлоқий фазилатлардир. Булар миллатимиз-

нинг руҳиятига сингиб кетган ахлоқий-маънавий фазилатлардир. Ўзбек, коракашюқ халқларининг ҳозирги миллий ахлоқий қадриятлари тизимиға дўстлик, ўртоқлик, меҳмондўстлик, одамгарчлиқ, инсонпарварлик, ахлоқий теранлик, тадбиркорлик ва чаконлик, укувчанлик, саҳийлик, хушмуомалалик, жамоатчилик ичидаги ўзини тута билиш, кўпчилик билан мулоқотда бўлишга интилиш, хаёлилик, сизлаб муомала килиш, озодалик, хушчакчаклик, хушфеълик, мардлик, назокатлилик, самимийлик, зийраклик, лутғ қарамлилик, рўзгорпарварлик, шинавандалик, ширин сўзлик, ташаббускорлик, она юрти ва халқига муҳаббат, инсофилик, диннатлилик, ростгўйлик, ҳалоллик, ор-номуслилик, тўғрилик, режалилик, поклик, сабр андиналилик, вазминлик, хожатбарорлик, юмшоккўнгиллик, ота-онани ва катталарни хурмат килиш, андишалилик, меҳнатсеварлик, ўтмишга хурмат, инсофилик, иймонлилик, миллий гуур, мустакилликни қадрлаш, ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналминаллик сингари фазилатлар киради. Бу қаторни яна чексиз давом эттириш мумкин.

Маънавий-ахлоқий эҳтиёж—Маънавият инсонни муайян мақсад сари етаклайди, унда келажакка ишонч уйғотиб, куч ва қудрат баҳшида этади. Маънавиятнинг мазмун жиҳатидан серкира ва кенг кўламлилиги инсон маънавий камолоти жараёни чексиз эканлигини кўрсатувчи асосий омил-унинг ривожланиш имкониятлариdir. Жамият эҳтиёжи ва имкониятларига караб ҳар бир тарихий давр, вазият, шароитлар тақозо қилган холда маънавиятнинг янги шакллари ва мезонлари вужудга келади. Бу шакллар ва мезонлар сунъий равишда эмас, балки тарихий тараққиётнинг муайян босқичларида инсон камолотининг янги йўналишларига бўлган имконият ва эҳтиёжларнинг ифодаси сифатида таркиб топади. Ўзбекистон мустакилликни кўлга киритганидан сўнг замонавий маънавий баркамол инсон концепциясини яратиш учун вужудга келган зарурий эҳтиёж ва имкониятлар фикримизнинг яққол далилидир.

Маълумки, эҳтиёж бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш ва юксалиш бўлмайди. Чунки эҳтиёжнинг ўзи ҳам инсоннинг маънавиятлилик даражасига боғлик. Шахснинг маънавий камолоти эса, маънавий эҳтиёжларнинг мазмuni ва даражаси билан белгиланади. Жамият тараққиёти узлуксиз жараён бўлиб, унинг маълум бир нуқгода тўхтаб колмаганидек, инсоннинг маънавий камолоти ҳам доимо ўзгариб тараққий этиб боради. Унинг белгилаб кўйилган маълум бир чегараси йўқ. Тарихий тараққиётнинг ҳар бир даври маънавий камолотнинг ҳам янги босқичидир. Маънавий камолотнинг ҳар бир босқичи маълум бир даврнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва имкониятлари билан белгиланган.

Ахлоқлилик—(араб. ҳулкнинг кўплиги; лот. moralis - ҳулқ-атвор) — маънавий ҳаёт ходисаси, ижтимоий онг шаклларидан бири, маънавият соҳасига оид тушунчадир. Кишиларнинг тарихан таркиб топган ҳулқатвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро муносабат, шунингдек, жамиятта бўлган муносабатларини тартибига солиб турадиган бекарор, муайян меъёр ва коидалар йигиндишидир. Маънавий ҳаёт талаблари, инсоннинг юриш-туриши, ҳулқ-атвори, муомаласини тартибига солиб турадиган, бошқариб борадиган ахлоқий тушунчалар тизимиdir. Инсоннинг реал ҳаётдаги турли воеаҳодисаларга муносабатида акс этган холда, унинг ҳаётда ўз ўрнини топишига, ҳаётий позициясини мустаҳкамлашга асос бўлиб хизмат килади. У инсоннинг маънавий жиҳатдан юксалишига чорлади. Ўтмиш ҳаётини танқидий таҳдил этишга, ҳозирги кунда амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларни ибрат бўлишга муносиб инсонларники билан солишиб, келажакда эса ўз ҳаётини янада мазмунли ташкил этишга хизмат килади.

Миллий ўзликинг англаш—жамият ҳаётида рўй берган ўзгаришларнинг асосини ташкил этади. Миллий ўзликинг англаш ҳам халқнинг маънавий камолот даражаси билан боғлик. Миллий ўзлигини тўла-тўқис ва тўғри англаш имконига эга бўлиш учун инсон юксак маънавият соҳиби бўлиши лозим. Тарих сабоқлари шуни кўрсатадики, миллий ўзлигини, манфаатларини, тараққиёти истикболини чукур, ҳар тарафлама холисона, одилона англаган халқгина кенг ривожланиш имкониятларига эга бўла олади. Ҳар бир миллат ва элатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларини ифодаловчи этник бирлик, тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларга мансублигини, манфаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб этишга миллий ўзликинг англани деб аталади.

Мустакил миллий тафаккур—миллий онгнинг аклий фаолият, амалиёт борасида намоён бўлишидир. Мустакил миллий, ижодий тафаккур ҳам-маънавий камолотнинг асосий белгиларидандир. Миллий манфаатларни англаб этиш, химоя килиш ва уларни амалга ошириш йўлларини ўйлаш миллий мустакиллик тафаккурининг асосий жиҳати хисобланади. Унга бевосита таъсир килувчи омиллар-миллатнинг ахлоқи, руҳияти, тарихий анъаналари, турмуш тарзи, меҳнат фаолиятининг хусусияти, йўналишлари ва ҳ.к. Мустакил миллий тафаккури айниқса ёшларда шакллантириш ниҳоятда зарур. Ёшларда мустакиллик тафаккури ва миллий ифтихор, гуур бўлмас экан, уларда фидокорлик, ватанпарварлик, миллатпарварлик каби хислатлар ҳам ривожланмайди. «Таълимнинг янги модели жамиятда мустакил

фирковчи эркин шахснинг шакланишига олиб келади, ўзининг кадр-кимматини англайдиган, иродаси бакувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиш.

Аждодларимиз бизга қолдирган бой ва мукаддас маънавият-бу мустақилликдир. Ана шу маънавиятни асраб-авайлаш нафакат ҳар биримизнинг бурчимиз, балки давлат аҳамиятига молик бўлган муҳим вазифадир. Бу муҳим вазифани амалта ошириш накадар зарурлигини бутун ҳалқимиз ва ёшларимиз онгига сингдириш эса жуда катта аҳамият касб этади.

Миллий онг—баркамол миллий маънавиятнинг маҳсули сифатида юзага келади. Шунинг учун ҳам миллий онг миллий маънавиятнинг таркибий кисми ҳисобланади. Миллий онг оддий ҳис, туйғу эмас, балки муайян ахлоқий, хукукий, илмий, мағкуравий қадриятларга асосланган эътиқоддир. Миллий онг шаклланган эътиқодлар, мақсад ва манфаатлар тизими, миллий ўз-ўзини англаш эса шу тизимнинг шаклланиш жараёнидир. Миллий онгнинг мазмуни ва моҳияти ҳам миллатнинг ўз-ўзини англаш даражасига боғлиқ. Бошқа миллатларнинг тарихи, маданияти, миллий ҳусусиятлари ва манфаатларига холисона баҳо бера олиши учун миллат, аввалимбор ўз-ўзини англомори, тарихи, келажаги, манфаатларини чукур тушуниб етмоғи лозим. Чунки ўзлигини чукур англаб, миллий онги камол топаётган миллатгина бошқа миллатларни ҳам тўғри англаш, уларни миллий холисона баҳолаш имкониятига эга бўлади.

ХУЛОСА

Президентимиз И.А.Каримов: «Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалта оширилган энг катта иш ҳакида сўраса, мен хеч иккilanmasdan Кадрлар тайёрлаш дастурини қабул қилганимиз ва амалта оширганимиз, деб жавоб берган бўлардим. Мазкур дастур устида мен жуда кўп ишладим. Мана, бутунги кунда ўз ҳосилини бераяти, десак, тўғри бўлади.Мен ҳозирги вақтда замонавий мактабларимиз, лицей ва коллежларимиз, олий ўкув юргларимизда таълим-тарбия олиб, илм-фан, қасб-ҳунар чўққиларини эгаллаб, ҳаётга ҳал қилувчи куч бўлиб кираётган болаларимиз тимсолида бунинг амалий тасдирини кўраман ва бундай фарзандларимга ишонаман»¹-деб ҳакли равища таъкидлайди.

Комил инсон тўғрисидаги назария ва услубият методологик жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, «Таълим тўғрисида»ги конунда, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва унга мувоғик, 195 бошқа ҳужжатларда ҳар томонлама ишлаб чиқилган. Шуларга мувоғик, таълим тизимини янги замон талаблари даражасига кўтариш, соғлом, баркамол, маънавиятли ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлиги белгилаб берилган. Юргашимиз Ислом Каримов: «Озод шахсни шакллантиринида ўз ҳак-хукукини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир булаётган воеа ходисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларни мамлакат ва ҳалк манфаатлари билан уйғун холда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашимиз керак»¹ — деб кўрсатиб ўтди.

Мамлакатимизда кечётган маънавий-маърифий яңгиланишларнинг марказида Ислом Каримов томонидан ривожлантирилган миллий гоя, миллий мағкура ва миллий тарбия гоялари ётади. Ана шу гоялар асосида янги тарбия технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш асосий вазифалардан биридир. Истиқбол даврида юртимизда миллий ва маънавий тиклашни, замон талаблари асосида ривожлантириш бўйича амалта оширилаётган улкан ишлар, мақсад ва вазифалар: Умуминсоний қадриятларга содиклик; ҳалқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши; Ватанпарварлик мустақиллик мағкурасининг асосий тамойилларини ташкил этади.

¹. Каримов И.А. Она юртимиз баҳту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир - Т.. Ўзбекистон, 2015 -263 б.

Бугунги даврда—халқимиз ўз олдига эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритा�ётган бир замонда, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиб, азалий қадриятларимизга суюнib, шу билан бирга, тарақкий топган давлатлар тажрибасини хисобга олган ҳолда, олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимиз асрлар давомида орзикib кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро ҳамжамият тан олгани бундай имкониятларнинг барчасини айнан мустакиллик берганини, дунёда «ўзбек модели» деб тан олинган, мамлакатимиз миллий тараққиёт стратегиясининг ўз вақтида қабул килиниб, амалга оширилгани мисол бўла олади.

Ҳар кандай жамият, давлат, халқ ва миллат тараққиёти маданий-маънавий, маърифий, таълим-тарбиявий ҳамда мағкуравий жараёнларнинг узвий бирлити асосида амалга ошади. Миллий-маънавий таълим-тарбия ривожланишининг уйғунлиги миллий тил бўлиб хисобланади. Тилда миллатнинг бутун тарихи, унинг барча миллий-маънавий бойлик хусусиятлари акс этади. Тил ривожланса миллат равнак топади. Ўз навбатида тил қадим-қадимдан миллий-маънавий таълим-тарбиямизнинг ойнаси бўлиб келган. Президентимиз: «Давлат тилининг халқаро миқёсда ҳам фаол мулоқот воситасига айлануб бораётгани эътиборлидир. Хусусан, хорижий мамлакатлар раҳбарлари билан бўладиган учрашув ва сухбатлар, музокаралар, тегишли хужжатларни имзолаш маросимларида, нуфузли саммитларда, расмий матбуот анжуманларида ўзбек тилининг ўрни ва аҳамияти ортиб бораётгани ҳаммамизга фурур-ифтихор барислайди»¹ — деб она тилимиз миллий таълим-тарбиямизнинг асоси эканлигини кўрсатади. Кўп асрлар мобайннида халқимиз қалбидан чукур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида тилга оламиз, сабаби, ислом дини азалдан маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охиратни ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари фазилатларни ўзида мужассам этган гоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимиdir.

Мустакиллик туфайли жаҳон маданияти ютуқларига улкан хисса кўшган аждодларимизнинг бой маънавий меросини тиклаш бугунги кунда ҳаёт эҳтиёжига айланди. Аждодларимиз мероси кишиларда

миллий онг, миллий фурур туйғусини тарбиялашда бекиёс аҳамиятта эга улар шу кадар кенг камровлики, бу меросларни Ўзбекистонда таълим-тарбиянинг маънавий асослари қилиб кўйидаги мавзуларни олишимиз мумкин:

1. Ўтмишнинг нурли соҳифаларини эҳтиром ила ёдга олиш билан янги авлод маънавиятини такомиллаштириш.
2. Миллий маънавиятимиз сарчашмаларидан имкони борича кўпроқ баҳраманд бўлиш.
3. Аждодларимизнинг табаррук удумлари, урф-одат анъаналарига муносабатлар ҳосиласи.
4. Тараққиётимизнинг ҳар бир янги босқичи ёш авлод камолоти, маънавий дунёсининг шаклланиши.
5. Маънавий таълим-тарбия истиқболимизнинг олтин пойдевори эканлиги.

Бу маънавий мерос миллий онг ва миллий мағкурани такомиллаштириш жараённида алоҳида ўрин тутади. Чунки, миллий-маънавий меросларимизнинг асосларини Ватан туйғуси, миллий фидойилик, аждодлар мероси ва руҳиятига эътиқод, умуминсоний қадриятлар ташкил этади.

¹. Каримов И.А. Юксак маънавият -снгилмас куч.Т.:«Маънавият»,2008, 86-б.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Каримов И.А. Тўла асарлар тўплами 1-22 жиллар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истикол ва тараққиёт йўли. - Тошкент: Ўзбекистон, 1992. -22 б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент.: «Ўзбекистон», 1993.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлантириш йўлида. - Тошкент: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент.: «Ўзбекистон», 1997.
6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент.: «Шарқ», 1998.
7. Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни — халқ, миллатни миллият килишга хизмат этсин. Тошкент.: Ўзбекистон, 1998.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Тошкент.: «Ўзбекистон», 1999.
9. Каримов И.А. Миллий истикол мағкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. Тошкент.: «Ўзбекистон», 2000.
10. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш -- барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислоҳотларимизнинг пировард мақсади. -Тошкент: Ўзбекистон, 2007.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият -- енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2008. 176-б.
12. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлантириши ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маъruzasi // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.
13. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эриши остонасида. Тошкент.: «Ўзбекистон», 2011.
14. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чукурлантириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. - Т.: Ўзбекистон, 2011. 360-б.
15. Президент Ислом Каримовнинг «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий этириш ва модернизация килишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқaro конференциянинг очилиш маросимиидаги нутки. Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

16. Президент Ислом Каримовнинг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқaro конференциянинг очилиш маросимиидаги нутки. Халқ сўзи газетаси, 2014 йил 16 май.

17. Каримов И.А. Она юртимиз баҳгу иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат килиш — энг олий саодатдир - Т.. Ўзбекистон, 2015 304-б.

II. МЕЙЁРИЙ-ХУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т., 2014.
2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Конуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиши борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1426-сонли Карори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юкори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-1533-сонли Карори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4456-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги «Олий ўқув юргидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № 365-сонли Карори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий коидаларни тасдиқлаш тўғрисида»ги № 343-сонли Карори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2001 йил

17 августдаги «Олий ўкув юртлари талабаларига стипендиялар тұлаштартиби тұғрисида»ғи № 344 сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 25 июлдаги 283-сонли қарори билан тасдиқланган «Хорижий давлатларда таълим олганлик тұғрисидеги хужжатларни тан олиш ва ностирификациялаш (эквивалентлігінің қайд этиш)» тартиби.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарори билан тасдиқланган «Олий ўкув юртларида тұлов-контракт асосида ўқиши учун таълим кредитлари беріш тұғрисида»ғи Низом// Ўзбекистон Республикаси Хукумати қарорлари түплами, 2001., № 7, 43-модда.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сонли қарори билан тасдиқланган «Нодавлат таълим муассасалари фаолиятini лицензиялаш тұғрисида»ғи Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлары түплами, 2004, 9-сон, 107-модда.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 21-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясыдан үтказиш тартиби тұғрисида»ғи Низом// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлары түплами, 2006, 6-7-сон, 37-модда.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тұғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзgartырыш ва күшимчалар киритиш ҳақида»ғи № 3-сонли Қарори.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тұғрисида»ғи № 242-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар

1. Азизхұжаев А. Чин ўзбек иши. - Т.: Ўзбекистон, 2011. - 512.
2. Гафарали М.С., Касаев А.Ч. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва баркарорлық -тараққиёт асоси. Т.: Ўзбекистон, 2001. - Б. 113-151.
3. Жұраев Н. Arap отох сен... Портретта чизгилар. Сиёсий эссе. - Т.: Езувчи, 1998. - Б. 93-103.
4. Эшонқулов Н. Озодлик масыулияты ёхуд миллатнинг уйғоқлиги // Хуррият газетаси, 2015 йил 8 июль.
5. Куронов М. Болам баҳтли бұлсın, десандыз...: ота-оналар учун. - Т.: Манавият, 2013. - 320 б.

IV. Күшимча адабиётлар

- 1.Абдимуратов П.С. Каракалпакские народные традиции в нравственном воспитании школьников. Нукус.2013.ст.100
- 2.Абдимуратова Н.П. The Modern way of teaching .Практико-методическое пособие. Нукус, 2010.
- 3.Абдимуратова Н.П.Технология воспитания молодежи в современных условиях. Респ.науч.теор.конф. Нукус.,-КГУ.27.11.2015 г.
4. Айтымбетов М.З. Истиқол даврида Коракалпоғистон умумий ўрта таълим мактаблари тизими такомили. Т-2012.
5. Алеуов У. Қаракалпақстанда тәlim-тәrbиялық ойлардың қәлипесиүи хәм рајағланыўы. Нөкис. «Билим».1993.
- 6.Аннамуратова С.К. Художественно-эстетическое воспитание школьников Узбекистана. - Ташкент: Фан, 1991. - 369 с.
- 7.Асаматдинова Ж.П. Ўқувчиларни ахлюқий-эстетик тарбиялаш асосида уларда инсоний қадриятларни шакллантириш технологиялари. Т. 2016
- 8.Асаматдинова Ж.П. Мектеп оқыушыларына рұйхý-эстетикалық тәrbия бериў жоллары. Нөкис-2013.
- 9.Асаматдинова Ж.П.,Абдимуратова Н.П. «Нравственно-эстетическое воспитание учащихся на внеучебных занятиях «ПОЗНАЙ ЧЕЛОВЕКА, СЕБЯ - СТАНЬ ЛИЧНОСТЬЮ!» Учебное пособие для учителей общеобразовательных школ, колледжей и лицеев. НУКУС «Карақалпакстан»-2014 г. с.100
- 10.Утебаев Т.Т. Қоракалпоғистонда XX аср иккінчи ярми XXI аср бошида таълим-тарбиявий фикрларнинг ривожланиши.Н. «Билим» 2015.

Интернет маълумотлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:

- 1.www.press-service.uz
- 2.www.gov.uz
- 3.www.infocom.uz
- 4.<http://www.bank.uz/uz/public/Vdoc/>
- 5.www.press-uz.info
- 6.www.ziyonet.uz
- 7.www.edu.uz
- 8.www.pedagog.uz
- 9.www.tdpu.uz

МУНДАРИЖА

Кириш..... 3

I-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ МИЛЛИЙ АСОСЛАРИ

1.1. «Таълим тўғрисида»ги Қонун миллий таълимнинг асоси сифатида.....	5
1.2. Миллий таълим-тарбия Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, тараккиёти ва истиқболининг ягона йўли эканлиги.....	10
1.3. Миллий таълим модели-комил шахсни шакллантириш асоси.....	14

II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

2.1. Буюк мутафаккирларнинг бебаҳо мерослари таълим тарбиямизнинг назарий ва амалий пойдевори сифатида.....	21
2.2. Миллий қадриятларимиз, урф-одат, аньаналаримиз ёш авлод таълим-тарбиясининг яхлит тизими таҳдили.....	35
2.3. Глобаллашув жараённида миллий-маънавий таълим- тарбиянинг уйғулигини таъминлаш зарурияти.....	38
ХУЛОСА.....	47
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР РЎЙХАТИ.....	50

АБДИМУРАТОВ П.С., АБДИМУРАТОВА Н.П.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

Ўқув-услубий қўлланма

Ўзбек тилида
«Qaraqalpaqstan» нашиёти
Нукус—2016

Мухаррир
Абдураҳман Мадаминов
Оператор
Тимурлан Коғизаров

50 gan

Оригинал-макетдан босишга рухсат этилган вақти 15.08.2016.
Бичими $60 \times 84 \frac{1}{16}$. Офсет усулида босилди. Times гарнитураси.
Хажми 3,5 б.т., Шартли б.т. 3,25. Ҳисоб т. 3,5.
Адади 100 нусқада. Баҳоси шартнома асосида.
Буюргма № 47.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан
нашр фаолияти билан шугулланиш учун 2008-йил
30-сентябрда Al №114. лицензияси берилган.

«Qaraqalpaqstan» нашриёти: 230100,
Нукус шаҳри, Қоракалпогистон кўчаси, 9.

«Qaraqalpaqstan» нашриётида чоп этилди.